

БИР НОМДАГИ ИККИ ФИРМА

Яқин бир дўстим ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўймоқчи. У ҳам махсулотлари харидоргир бўлиши учун менинг фирмамнинг номини бермоқчи. Бунда у менадан ҳеч нима олмайди. Аммо қонун бўйича шундай қилиш мумкинми?

3 бет

САРОБГА ИНТИЛГАНЛАР

Мана пуллариз, Раҳим ака. Ўғлим мастлик қилиб уйингизга кирибди. Бу ерда икки юз минг. Қолганини икки-уч кун ичида топиб бераман. Жон қўшни, сиздан илтимос, милисага айтманг.

9 бет

Mustaqillik huquq demakdir

НУҚУҚ



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz

2009-yil 22-oktabr, №43 (668)

Фарғонада Матбуот кунлари

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИНГ РОЛИ

Вазирлар Маъкамасининг қарора, республика Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан жойларда Матбуот нашрларининг кунлари ўтказила бошланди. Марказий матбуот нашрларининг вакиллари — бош муҳаррирлар вилоятлар, туманлардаги меҳнат жамоаларида, билим юртиларида фуқаролар билан суҳбатлашмоқда.

Ўтган ҳафта бир неча республика даврий нашрларининг вакиллари Фарғона шаҳрига ташриф буюришиб, муштарийлар билан учрашди. Хусусан, Республика Бош прокуратураси ҳамда "Маҳалла" хайрия жамғармасининг нашрлари — "Нуқуқ" ва "Маҳалла" газеталарининг бош муҳаррирлари Фарғона педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида билимларини мустаҳкамлаётган ўқитувчилар билан самимий суҳбат қуришди.

Суҳбатни институтнинг маънавият ва маърифат бўйича проректори З.Мўминов бошлаб берар экан, матбуотнинг жамият тараққиётидаги беқисс ролини таъкидлаб ўтди.

— Жамиятимиздаги энг зарур, энг олижаноб ва шарафли касб эгалари билан мана шундай катта даврда учрашиб турганимиздан бениҳоя мамнунман, — деди "Нуқуқ" газетаси бош муҳаррири Жаҳонгир Мақсумов. — Аввало, яқинда нишонланган касб байрамларининг билан Сиз — устозларни самимий табриклайман. Қасрда, қайси касб-корда ишламайлик, таълим-тарбия берган ўқитувчиларимизни, устозларни ҳамيشа ёлва тутамиз, эъзозлаймиз. Маълум маънода, журналистларнинг фаолиятлари ўқитувчилар билан ҳамоҳанг. Катта-ю кичикни эзгуликка чорлашад, ножа, гайриқонуний қадамлардан асрашади. Воқеа-ҳодисаларга, турли жараёнларга нисбатан жамоатчилик фикрини шақллантириб, жамият тараққиётига ўз таъсирларини ўтказишади.

Бутунги учрашувимиздан мақсад, бу борада матбуот нашрларининг таъсирчанлигига эришишга оид фикр-мулоҳаза, таклифларнинг тинглашдан, шу асосда иши-

зилани янада фаоллаштиришдан иборатдир.

"Нуқуқ" газетаси Республика Бош прокуратурасининг нашри. Маълумки, фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида прокуратура органлари фаолиятларининг мазмун-моҳияти ўзгарди. Ўтмишда фуқаролар прокуратурани жазолочи, олдий қилиб айтганда қораловчи орган деб билишарди. Ҳозир унга қонунийликни таъминловчи, бузилган ҳуқуқларини тиклаб берувчи орган сифатида қарашмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқларини, давлат ва жамиятнинг манфаатларини ҳимоя қилиш прокуратуранинг бош вазифаси бўлиб қолди. Жиноятта жазонинг муқаррафлигини таъминлаш борасидаги фаолияти ҳам ана шу мақсадга — қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноят қилмишларнинг олдини олиш воситасида фуқароларнинг тинч ва оқойишта турмуш кеиришларини таъминлашга хизмат қилади.

Прократура органлари фаолиятининг ошқоралигини таъминлаш, ҳуқуқ тарғиботини кенг тартиклиан. Қасрда, қайси касб-корда ишламайлик, таълим-тарбия берган ўқитувчиларимизни, устозларни ҳамيشа ёлва тутамиз, эъзозлаймиз. Маълум маънода, журналистларнинг фаолиятлари ўқитувчилар билан ҳамоҳанг. Катта-ю кичикни эзгуликка чорлашад, ножа, гайриқонуний қадамлардан асрашади. Воқеа-ҳодисаларга, турли жараёнларга нисбатан жамоатчилик фикрини шақллантириб, жамият тараққиётига ўз таъсирларини ўтказишади.

Бутунги учрашувимиздан мақсад, бу борада матбуот нашрларининг таъсирчанлигига эришишга оид фикр-мулоҳаза, таклифларнинг тинглашдан, шу асосда иши-

(Давоми 2-бетда)

ясининг 16 октябрда бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловни ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияларини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилганини маълум қилди.

Таъкидландики, номи қайд этилган Қонуннинг 12-моддасига биноан, округ сайлов комиссияси комиссия раиси, раис ўринбосари, котиби ва камида олти нафар бошқа аъзолардан иборат таркибда Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади. Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларининг шахсий таркибини тасдиқлашда Қонун-

имзо варақаларини тақдим этгани маълум қилинди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ, сиёсий партиялар тақдим этган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш учун ишчи гуруҳ тузилади. Имзо варақаларини қўриб чиқишда сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари иштирок этди. Бу миллий сайлов қонунчилигига киритилган ва сайлов жараёнининг янада ошқоралиги ҳамда демократлигини таъминлайдиган янги институтдир.



Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида 20 октябр кунни мамлакатимиз ва чет эл журналистлари учун навбатдаги матбуот анжумани ўтказилди.

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси М.Абдусаломов жур-

САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА

налистларга сайлов округларини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловни ўтказувчи округ сайлов комиссияларини шақллантириш, сиёсий партияларнинг бўлажак сайловларида иштирок этишига ижозат бериш ишлари ҳақида ахборот берди.

Марказий сайлов комиссияси Раиси "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасига биноан, парламент Қонунчилик палатасига сайлов бир юз ўттиз бешта ҳудудий сайлов округи бўйича ўтказилишини маълум қилди. Марказий сайлов комиссияси жойлардаги давлат ҳокимияти органлари таклифларини қўриб чиқиб, 9 октябрда бўлиб ўтган ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловни ўтказиш учун сайлов округларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Сайлов округларининг номланиши, тартиб рақами, чегараси ва сайловчилар сони кўрсатилган рўйхат матбуотда эълон қилинди.

Матбуот анжуманида Марказий сайлов комиссияси Раиси М.Абдусаломов журналистларга "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комисси-

ясининг 16-моддасига мувофиқ комиссия таркибига жамоатчилигининг обрўли вакиллари киритилишига алоҳида эътибор қаратди. Округ сайлов комиссиялари аъзоларининг рўйхати комиссиялар манзили ва телефон рақамлари кўрсатилган ҳолда матбуотда эълон қилинди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан янги ташкил этилган сайлов комиссиялари аъзолари учун сайлов қонунчилиги асосларини ўрганиш бўйича қатор семинар ва тренинглар ташкил этилди.

Матбуот анжуманида, шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасига мувофиқ, мамлакатимизда фаолият юритаётган турта сиёсий партиянинг ҳар бири Марказий сайлов комиссиясига депутатликка номзодлар кўрсатиш учун барча зарур ҳужжатларни - партия раҳбарли томонидан имзоланган сайловда қатнашиш тўғрисидаги ариза, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи маълумотномаси ва сайловчиларнинг сиёсий партиянинг сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи

Матбуот анжуманида Марказий сайлов комиссияси Раиси М.Абдусаломов мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбат қуришди. Марказий сайлов комиссияси Раиси М.Абдусаломов мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбат қуришди. Марказий сайлов комиссияси Раиси М.Абдусаломов мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбат қуришди. Марказий сайлов комиссияси Раиси М.Абдусаломов мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбат қуришди.

(ЎЗА)

ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида самарали ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ислоҳотлар жараёнида мазкур тизимларда фаолият юритаётган ходимларнинг касб одоби ва масъулиятини янада ошириш ҳам долзарб аҳамият касб этаётди. Ана шу мақсадга Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Тошкент давлат юридик институти билан ҳамкорликда "Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни юк-

салтириш, ходимларнинг касб одоби ва масъулиятини ошириш масалалари" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Давра суҳбатида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари касбий фаолиятининг умуминсоний ва миллий ахлоқий мезонларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Айниқса, ушбу тизимларда фаолият юритаётган айрим ходимларнинг ўз касбига панжа орасидан қараб, турли хил нопок ишларга ҳам қўл уриши каби ҳолатлар учраётганлиги қатнашчилар томонидан алоҳида танқид остига олинди.

Давра суҳбатида жумладан қуйидаги маълумотларга эътибор қаратилди: ўтган

йилда фуқаролардан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари устидан келиб тушган ариза ва шикоятлардан 104 та ҳолат бўйича Бош прокуратура томонидан тегишли чоралар қўрилган. Ўз вақтида олиб борилган текширишлар натижаси бўйича 269 нафар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига нисбатан жиноят иши қўзғатилган. Судларга юборилган ишлар бўйича 180 нафар ходим суд ҳукми билан жазоланган.

Шунингдек, айрим ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни текши-

риш юзасидан жиноят ишини қўзғатишни рад этиш, тергов жараёнларида қонунбузилишига йўл қўйиш ва ноқонуний жавобгарликка тортиш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кадрлар тайёрлаш тизимини янада тақомиллаштириш борасида янги ўқув режаларини ишлаб чиқиш, унда ишчанлик, касбий фазилатлар ҳамда хизмат бурчиغا сadoқат рўҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим бўлади.

Тадбирда Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари тингловчилари ҳам қатнашдилар.

Абдурашид МАННОНОВ,
Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари бошлиғи ўринбосари

(Давоми. Бошланғич 1-бетга)
 Мълумки, Республика Бош прокуро-
 ри Вазирлар Маҳкамаси қошидаги вояга
 етмаганлар ишлари комиссиясининг раи-
 си бўлиб ҳисобланади. Прокуратура орган-
 лари жойлардаги комиссиялар, таълим-тарбия
 муассасалари билан ҳамкорликда фар-
 зандларимизни ҳуқуқбузарликдан асраш,

Бош муҳаррир "Фаолият", "Долзарб
 мавзу", "Муносабат", "Жиноят ва жазо",
 "Суд очерки" каби рунклар остида чоп эти-
 ладиган мақолалар, очеркларнинг мазмун-
 мундарижаси, тарбиявий аҳамияти,
 "Ҳуқуқий маслаҳатхона" саҳифасида турли
 турмуш муаммоларини қонуний ҳал этиш
 борасида ҳуқуқшунослар бераётган йўл-

сарият ҳолатларда фуқароларнинг содда-
 ликлари, ҳуқуқларини яхши билмаслик-
 лари туфайли одам савдоси жиноятлари-
 нинг қурбонига айланишганини кўрсат-
 моқда. Ушбу мавзуда босилган мақола ва
 суд очеркларидеги жиноятнинг пайини қир-
 қиш, олдини олиш борасидаги мулоҳаза-
 лар баён этилмоқда ва улар ўз самарасини

торов сўзга чиқди. Фарзандларимизга таъ-
 лим-тарбия бериб, етук инсонлар қилиб
 етиштираётган ўқитувчиларнинг, устозлар-
 нинг жамиятимиздаги ноидар институт -
 маҳаллада тарбиячи сифатида тутан ўри-
 ларини алоҳида таъкиллади. Киши оила -
 мактаб - маҳаллада шахс бўлиб шакллана-
 ди. Маҳаллаларнинг педагоглари, фаолла-
 ри аксарият ҳолатларда фуқаролар
 ўқитувчилардир. Фуқаро-
 ларнинг ўзини ўзи бош-
 қарув идоралари — қиш-
 лоқ ва маҳалла фуқаролар
 йигиниларининг кен қам-
 ровли фаолиятлари, иш
 жараёнлари "Маҳалла" га-
 зетасида ёритилмоқда.

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИНГ РОЛИ

билмасдан ноҳўя қадам қўйган вояга ет-
 маганларни қайта тарбиялаш, тўғри йўлга
 солиш борасида фаол иш олиб боришяп-
 ти. Газетамиз саҳифаларида ушбу жараён
 мунтазам равишда ёритиб бориламоқда.

Прокуратура органлари судларга даъво
 аризалари киритиб, иш ҳақи, етказилган
 зарарларни ундириб беришяпти. "Протест"
 рунки остидаги мақолаларда иш берувчи-
 лар, ҳокимият идораларига киритилган
 протестлар орқали фуқароларнинг бузил-
 ган ҳуқуқлари тиклангани ёритилмоқда. Га-
 зетамизда прокурорлар тақдимномалар ки-
 ритиб, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг
 олдини олиш борасида кўрилатган таъсирчан
 чора-тадбирлар ўз аксини топ-
 моқда. Жаҳонда рўй берган молиявий ин-
 қирознинг таъсирини минималлаштириш
 борасида ҳуқуқтаъминчи кўраётган чора-тад-
 бирлар ва уларнинг самаралари тўғрисида
 мақолалар чоп этилмоқда.

йўриқлар, "Хатлар саҳифаси"да газетхон-
 лар кўтарган муаммоларнинг ечимига оид
 мутахассисларнинг чиқишлари тўғрисида
 сўзлаб берди.

"Жиноят ва жазо" рунки остидаги ма-
 қолалар, суд очеркларидеги бошқаларга иб-
 рат бўлишини қўлаб, жиноий қилмиш-
 ларнинг сабаб ва оқибатлари, кўнгилсиз во-
 қеаларнинг тафсилотлари қаламга олинапти.
 "Назорат" рункида жойларда прокурор-
 ларнинг қонуний ва қонуности ҳужжат-
 лар ижросини таъминлаш борасидаги фа-
 олиятлари тўғрисида мақолалар чоп эти-
 ляпти. Шарҳлар билан бирга юқоридагидей
 суд очерки ва мақолаларда тафсилотлари
 келтирилган ҳаётий воқеа ва ҳодисалар,
 жараёнлар мисолда қонунийнинг мазмун-
 моҳиятини, ҳуқуқий билимларни
 синдириб бориш тахририятнинг асосий
 вазифасидир.

Хусусан, судларда кўрилган ишлар ак-

бириши шубҳасиз.

Газетадagi мақолаларда ҳуқуқшунослар,
 рухшунслар, психологларнинг жиноят-
 ларни келтириб чиқарувчи омилларни бар-
 тараф этишга оид диққатга сазовор фикр-
 мулоҳазалари, таклиф-тавсиялари кенг жа-
 моатчилик ҳўқмига ҳавола этилмоқда.

Бош муҳаррир ахборот асрида воқеа-
 ҳодисалар, жараёнлар билан ўша заҳоти
 танишиш ва ҳулоса чиқариш имконият-
 лари бениҳоя кенгайганини айтиб ўтди.
 Фуқаролар "Интернет" орқали республи-
 камиздаги, дунёдаги барча воқеалардан
 дарҳол бохабар бўлишмоқда. "Нигиқ" га-
 зетаси ҳам ўз веб-сайтини очган. Қизиққан-
 лар уни мунтазам кузатиб боришлари мум-
 кин, деди Жаҳонгир Максумов сўзини
 яқунлар экан.

Шундан сўнг Республика "Маҳалла"
 жамғармасининг наشري - "Маҳалла" га-
 зетаси бош муҳаррири Бахтиёржон Абдусат-

Ижтимоий муаммолар ва уларнинг ечим-
 лари тўғрисида таклиф-мулоҳазаларга кат-
 та ўрин бериляпти.

Бош муҳаррир газета тахририятининг
 фаолияти, турли рункларда босилаётган
 хабар, мақола, очеркларнинг мазмун-мун-
 дарижаси тўғрисида сўзлаб берди. Олди-
 қочди, мавмум воқеа-ҳодисалар билан
 ўқувчиларни жалб этишга уринувчи эн-
 гил-елпи нашрлардан фарқли, ижтимоий
 аҳамиятта молик масалалар ёритилаётгани
 ни таъкидлаб ўтди. Ўқитувчи-педагоглари-
 ни газетани билан ҳамкорлик қилишга даъ-
 ват этди.

Ўқитувчи "Нигиқ" ва "Маҳалла" га-
 зетасида босилаётган мақолаларга ўз муно-
 сибатларини, таклиф ва мулоҳазаларни бил-
 дириши. Бош муҳаррирлар уларнинг бир
 қатор саволларига жавоб беришиди.

Исроил ИБРОҲИМОВ,
 "Нигиқ" муҳбири

ҚИЛМИШЛАРИГА ЯРАША ЖАЗО ОЛИШДИ

*Бу заҳри қотил тўғрисида газеталарда, телевидение ва ра-
 диоэшиттиришларда улдуксиз мақолаалар, эшиттириш ва
 кўрсатувлар бериб келинмоқда. Лекин минг афсуски, уни
 истеммо қилувчилар онда-сонда бўлса ҳам орамизда учраб
 қолади. Ачинарлиси шундаки, бу "касал"ликнинг аёл-қизла-
 римиз ўртасида учраётгани кечириб бўлмас ҳолдир.*

Асли хоразмлик туман Зами-
 ра Матмуратовна (исм-фамилиялар
 ўзгартрилган) ана шундай текин
 даромад топиб яшайдиганлар то-
 ифасидан чиқиб қолди. Қаҳратон
 қиш қунларининг бирда у ан-
 та "операция"га қўл урди.
 Замира қўл телефон орқали
 келини Шоирага қўнғирқоқ
 қилиб, режага кўра йўлга отла-
 надиган вақт етганини маълум
 қилади. Вазиятдан воқиф
 бўлган келини: "Хўп, олажон
 ҳозир етиб бораман" дея йўлга
 чиқди.

Улар Ҳазорасп туман бозори
 ёнида учрашиб, шу худудда
 жойлашган дорихоналарининг би-
 ридан қиймати 1.150.000 сўм
 бўлган турли хилдаги дори-лар-
 мон маҳсулотлари олишди.
 Сўнгра келини Шоира билан так-
 си ёллаб Қорақалпоғистон Рес-
 публикасининг Амударё тумани-
 га йўл олишди. Улар ҳали Ур-
 ганч шаҳридан чиқишга улгур-
 масидан ҳайдовчига қандайдир
 сирли оҳангда:

— Ака, каналдан ўтишдаги
 кўприк устида тўхтаб ўтасиз-да,
 — дея илтимо қилишди.

Сабаби аниқ эди, чунки у
 ерда Замиранин "иш"даги ҳамкор-
 ларидан бири кутиб турарди.
 Асосий "юк"ни олган Замира
 олазарак бўлиб ён-атрофини куза-
 таркан, қайтиб тезда машинага
 ўтирди. "Иш"нинг битганидан
 кўнгиллари тоғдек кўтарилган
 қайнопа ва келин йўлида давом
 этишаркан, кайфиятлари чоғ эди.
 Замиранинг бўлса қўл телефони
 Амударё туманига етиб келгуна-
 лиригача жиринглашдан тўхтамади.
 Негаки, кўзлари тўрт бўлиб ку-
 таётган "бемор"лар ундан "дори"
 ни тезроқ олиб келишини сўра-
 шар, туманга кираверишда кутиб
 турганлигини айтиб бегоҳат
 бўлишарди.

Нижоят улар учрашди. За-
 миранинг "мижоз"и бўлмиш турк-
 ман миллатига мансуб Икром ис-
 мли йигит уларни йўл бўйида ку-
 тиб олди. Икром Замира билан
 кўришаркан, ўзи ёллаб келган

"Тико" автомашинасининг кетидан
 юришларини тайинлаб, чегара
 худудидга яқин қишлоқлардан
 бирига йўл олади. Улар кўп ўтмай
 "манзил"ларига етиб келишди.
 Уловлар Икромнинг таниши Ша-
 риф исмди йигитнинг хонадони
 олдига тўхтади. Замира шу топ-
 ла ўзини қўярга жой тополмас,
 кўзлари "қини"дан чиққудек
 бўлиб атрофини кузатар, "яқинла-
 ри"нинг ўзинга хиёнат қилишлари-
 ни эса ҳаёлига ҳам келтирмасди.

...Судда гувоҳ сифатида қат-
 нашган "Тико" русумли машина
 этаси Алломов Шўҳрат аслида
 Икром билан бу воқеалардан ол-
 динроқ танишган эди. Орадан
 кунлар ўтар экан, Икромнинг
 ноҳўя хатти-ҳаракатларини сеза
 бошлаган Шўҳрат бу байриқон-
 ниий ишнинг олдини олиш иш-
 ларини бошлайди.

Хуллас, "ов" режалари — уч-
 рашув жойи ва вақтидан ҳўқуқни
 муҳофаза қилувчи орган ходим-
 лари воқиф қилинди. Гувоҳлар
 иштирокида гиёҳфуррушлар қўлга
 олинди. Уларга нибатан жиноий
 ишлар бўйича Амударё суди то-
 монидан қилмишларига яраша
 жазо тайинланди.

Феруз МУКУМОВ,
 Амударё туман прокурораси
 терговчиси

қолди. Бироқ, гул рухсорини тўсган билан, инфо-
 рини тўсиб бўларканми?..

Шундай кунларнинг бирда ичкаридан танба
 урилган дарвоза шиддат билан тақиллаб қолди. Улар
 "Қоралор-2009" операцияси бўйича иш кўраётган
 туман ИИБ тезкор гуруҳи ходимлари бўлиб чи-
 қишди. Қонун ҳимоячилари ҳовлида гиёҳвандлик

ўсимлиги экиб, парваришланганлиги хусусида ҳа-
 дар тушганини айтишиб, ҳовини кўздан кечира
 бошладилар. Меъзолар жулда безовталаниб қолиш-
 ди. Ахир, гулзор бағрида 155 туп кўкнори пишиб-
 етилиб қолган эди-да...

Тергов ҳаракатлари ва суд жараёнида Санобар Мус-
 тафоева кўкнор уруғини бозордаги нотаниш аёлдан
 сотиб олиб парваришланганлиги икромлик билдириди.
 Унинг тавба-тазаруиси, 6 нафар фарзанди борлиги,
 нафақа ёшида эканлиги инобатга олинаиб, енгил
 жазога тортилди. Аммо, давраларда кулгуга қолиб,
 маҳалла-қўй олдига юзи шувит бўлгани қолди.

Шерали ЮСУПОВ,
 Нарпай туман прокурори катта ёрдамчиси

Ичкиликка берилганлар-
 нинг тинчлиги бўлмайди,
 деб бежиз айтишмайди. Дар-
 ҳақиқат, маст киши ўзини
 яхши бошқара олмайди,
 ароқ исканжасида қақшаган
 онгига нима келса, ўйлаб
 ўтирмай, бажаришга кири-
 шади. Оқибатда, жиноятга
 қўл урганлигини ҳам билмай
 қолади.

кўтариб юборишга ожиз бўлиб
 қолганди. Охир-оқибат кўни-
 қўшнилари ҳам бу хонадондаги
 жанжал-тўполонларга кўниқиб
 қолиб, келинга "хўжайинингиз
 инсофта келиб қолар" дея та-
 салли берадиган бўлишди. Бу
 тасаллилар эса Раънохоннинг
 кўксига тигдай ботар, нима
 қилишни билмас эди.

Баҳор фасли бошланди. 8
 март куни эрталаб Неъматжон

УМР ЗАВОЛИ

Суд мажлисида ўша кунги
 воқеа яхлит тарзда тикланди.
 Фожeanинг бош сабаби —
 қўшнилар ўртасидаги келиш-
 мовчилик, жанжал ва
 ҳақоратлар бир неча йиллар-
 дан бери икки хонадоннинг
 тинчини бузиб келмоқда эди.
 Ичкиликка ружу қўйган
 Неъматжон Агзамов (исм-ша-
 рифлар ўзгартриб берилмоқда)
 кун ора маст бўлиб,
 қўшнилари тинчини бу-
 зар, у учун атрофдагиларни
 ҳақорат қилиш одатий ҳўлга
 айланганди. Неъматжон ду-
 радгор бўлиб, эшик, дарвоза
 ясаб сотарди. Қўлга пул туш-
 ди дегунча, икки-уч "шиша-
 дош" билан машаат
 қилиб келар, сўнгра уйда
 давом эттирарди. Мастлигида
 дилининг тубида чўкиб ётган
 қўйкалар сиртига қаққиб,
 бўралаб сўкинганча, "хумор"
 дан чиқарди.

Қўшни хонадонда истиқо-
 мат қилувчи иккинчи жаҳон
 уруши қатнашчиси, кекса
 отахондан панд-насиҳат
 эшитган кун бор овози бил-
 дан уни ҳақорат қилар эди.
 "Нуроний" жамғармаси фаол-
 лари, қариялар бир неча бор
 уни тартибга қақиршмоқчи
 бўлиб уйига борганларида,
 қорасини кўрсатмади. "Устим-
 дан арз қилганминдиги?", дея
 тагин ёши бир жойга бориб
 қолган қўшнисини ҳақоратла-
 ди.

Неъматжоннинг рафиқаси
 Раънохон ўқитувчи бўлиб,
 пиёниста эрини ичкиликбоз-
 ликдан қайтаришга ҳарчанд
 уринмасин беҳуда эди. Маҳал-
 ла-қуйда бошини кўтариб
 юролмас, эрининг қўшини хо-
 надондаги мўсафид кишига
 бўлган адоватини орадан

бозорга жўнади. Иши юришиб,
 битта дарвозасини яхши нарҳ-
 га пуллади. Тушдан кейин
 "юваниз", деб уфатларини
 уйига бошлаб келди.

Келинининг авзойи бузилди.
 Эрининг байрам куни бошлаб
 келган 4 нафар оғайнисини со-
 вуққина қарши олди. Меҳмон-
 лар меҳмонхонага жойлашиб,
 ўртада пул йиғишди. Оралари-
 дан кимни ароққа жўнатишга
 қўрға ташлашди. Ароқ олиб ке-
 лиш меҳмонлардан Зафар ис-
 мли йигитга юкланди.

Зафар сингиллаб дўкнога ке-
 тиб, тўрт шиша ароқ олиб кел-
 ди. Йигитлар ошни еб, ароқ-
 ўрликка ўғишди. Қўшнилар ба-
 қир-чақир овозлардан безовта
 бўлишиб, эшик таққиллаштиди.
 Келин қўшниларига "хўжайи-
 нимнинг ўртоқлари меҳмонга
 келишган, бироздан сўнг ке-
 тишади" дея жавоб берди. Кеч
 киргач, ҳамма уй-уйига отлан-
 ди. Неъматжон уларни кузатиб,
 оёғида аранг турганча уйнинг
 подъездига кириб олди. Бор
 овози билан қўшиқ айтиб,
 учинчи қаватга чиққунча ҳам-
 маннинг эшигини бирма-бир
 тепиб чиқди. Маҳмуд ота шов-
 қинни эшитиб, эшигини очди.
 Қўшнисининг мастлигини
 кўриб, гапиршига энди оғиз
 жуфтлаган эди, бошига туш-
 ган зарбдан йиқилиб тушди.
 Неъматжон бўлса, "мана сен-
 га, боппадим" дея, отахоннинг
 устидан ҳатлаганча ўтиб кетди.

Маҳмуд ота хушига келга-
 нида касалхонада ётганини ан-
 глади.

Неъматжон қонун олдида
 жавоб берадиган бўлди. Зеро,
 қилмиш-қилдирмишлар.

Мухтор ШОДМОНОВ,
 Собир Раҳимов туман
 прокурорининг ўринбосари

ҳақида эшитиб, ҳангу манг қолишди. Фақат опа-
 даги бу хусусиятнинг бошқалардагидан фарқи
 шунда экан-ки, у гулларни дарвоза ёхуд суна ён-
 атрофларига эмас, балки эл назирадан четроқда
 парваришлашни хуш кўрар экан.

Шу йил баҳорида у ҳовлиси тўридаги 1,5 со-
 тиқ майдонга яхши ишлов бердирилди. Уруғ ерга
 тушгач, қунда-қунора уларга сув қуйиб, беғона
 ўтлардан тозалаб турди. Қарабсизки, нов-ниҳол-
 чалар ўсиб, гулгунчалар бирин-кетин тўлиша бош-
 ладилар. Қийғос чаман кўзларини қувонтирадиган да-
 ражага етгач, негадир Санобар опаниннг хавотири
 орта бошлади. Дарвозани кундузлар қўлфлаб қўли-
 ган, дарча ёнч этса, юраги "шин" этадиган бўлиб

СУДЛАНГАНЛИК ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ

Икки йил олдин билмасдан қилган но-жӯя иши учун бир дўстимнинг устидан жиноят иши кўзга тилиб, иши судга оширилди. Лекин суд бу ишда унинг айби йўқ деб топиб, уни жазоламади. Шундан бўлса-да, у судланган ҳисобланадими?

Р.Ертолов,
Бўстонлик тумани



Ўзбекистон Жиноят кодексининг 77-моддасида белгиланган қондаги кўра, судланганлик шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолат ҳисобланади. Шунинг учун ҳам жиноят содир этган шахсга жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган деб ҳисобланади. Суд томонидан жазодан озод қилинган шахс эса, судланмаган деб ҳисобланади.

ПУЛНИ КИМ ҚАЙТАРАДИ?

Менинг ўғлим сафарбарлик қақуруви бўйича хизмат ўташ учун туман мудоффа ишлари бўлимига пул тўлаган эди. Лекин хизматга бормасдан туриб вафот этди. Шундан кейин бу пул тўлаган пулни қайтаришни сўрадик. Аммо туман мудоффа ишлари бўлимидагилар пул қайтарилмайдиганини дейди. Шу тўғрисида?

Х.Ашуралиева,
Данғара тумани

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 февралдаги 99-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик қақуруви резервида хизматни ўташи тартиби тўғрисида"ги Низом талаблари бўйича, туман (шаҳар) қақурув комиссияси фуқароларнинг муқдатли ҳарбий хизматга қақуруви бўйича белгиланган наряд бажарилгандан кейин жисмоний ва ақлий жиҳатдан энг яхши тайёрланган қақурувчиларни танлаш йўли билан қолган қақурувчиларни сафарбарлик қақуруви резервидаги хизмат сафига олиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Сафарбарлик қақуруви резервидаги хизмат сафига олинган фуқаролар билан яқка тартибда суқбат ўтказилгандан кейин Мулоффа вазирлиги томонидан Махсус ҳисоб рақамига бадал ўтказиш тартиби тўғрисида эъза шартнома тузилади.

Мазкур Низом талабига кўра, сафарбарлик қақуруви резервидаги хизмат сафига олинган шахс томонидан махсус ҳисоб рақамига тўланган сумма қайтарилмайди.

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонуни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик қақуруви резервидаги хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини бажариш юзасидан қақурувчилар билан Мулоффа вазирлиги ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлган тақдирда, бундай келишмовчиликлар қонунга мувофиқ суд тартибидан кўриб чиқилади ва ҳал этилади.

ҚАНЧА ВАҚТГАЧА МУМКИН?

Фарзанд туғилганда туғилиш ҳақидаги гувоҳнома қанча вақт ичида олиш керак? Агар фарзанд бошқа шаҳарда туғилган бўлса, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома қаерда берилди?

З.Шокирова,
Китоб тумани

Фарзанд туғилганда туғилишнинг қайд этиш учун бола туғилган жойдаги эки ота-онадан бирининг доимий яшаш жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини эъши органида бир ой муқдат ичида амалга оширилиши лозим.

"Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳолати далолатномаларини эъши (ФХД) органида иш юрийтиш тартиби ҳақида"ги Йўриқномага кириштирилган ўзгаришларга мувофиқ, туғилганликни қайд этиш учун Ўзбекистон Республикаси Оила кодексидан белгиланган бир ойлик муқдат ўтказиб, бола 16 ёшга тўлгунча муқжаат этилган ҳолларда туғилганликни қайд этиш рад қилинмайди, балки умумий асосларда амалга оширилади. Бола бир ёшга тўлгундан сўнг, унинг

туғилганлиги ота-онасидан бирининг доимий яшаш жойида қайд этилади ва заруратга қараб кўшимча равишда қуйидаги маълумотномалар талаб қилиниши мумкин:

боланинг соғлиги тўғрисида участка педиатридан маълумотнома;

мактабгача таълим муассасаси эки мактабдан у ерга қабул қилинганлиги тўғрисида маълумотнома;

тегишли ФХД архивдан ушбу болага нисбатан туғилганлик ҳақида далолатнома эзуви қайд этилмаганлиги тўғрисида маълумотнома.

Бола бир ёшга тўлгундан сўнг туғилганлик қайд этилган ҳоллар 14 (22) шакл ҳисоботида муқдатли ўтказиб қайд этирилган туғилиш устунида ажратиб кўрсатилади.

НЕЧА ЙИЛ САҚЛАНАДИ...

Мен асли қурувчиман. Бундан ўн йил олдин иш жойимда зарур бўлиб қолган учун ўн мингта гишти сотиб юборган эдим. Буни билиб қолганларидан кейин, мен унинг ўрнини қоплай олмадим. Шундан кейин менга нисбатан иш кўзга тилиб, суд ҳукми билан беш йилга озодликдан маҳрум қилиниб, жазони ўтаб чиқдим. Шундан келиб чиққан ҳолда, демак мен ҳозирда судланган ҳисобланаман. Бунинг аҳамияти ва менга таъсири қандай бўлади? Судланганлик неча йил сақланади?

Р.Анваров,
Тошкент тумани

Судланганлик ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда ва шахс янги жиноят содир этгандагина ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади.

Судланганлик муқдатининг ўтиб кетганини эки судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади.

Жазони ўтаган, аммо қонуннинг ўзгариши билан бундай қилиниш жиноят деб ҳисобланмайдиган тақдирда, шунингдек содир қилинган жиноят учун тайинланган жазони ўтаб бўлиниши билан судланганлик ҳолатининг тугалланиши белгиланган бўлса, шахс судланмаган деб ҳисобланади.

Жиноят кодексининг 78-моддасига кўра, шахснинг судланганлик ҳолати қуйидаги пайтларда:

а) шартли ҳукм қилинганларга нисбатан — синов муқдат тугаган кундан бошлаб;

б) хизмат бўйича чеклаш эки интизомий қисмга жўнатиш тартибдаги жазоларни ўтаб чиққач;

в) жарима жазоси ижро этилган кундан кейин, шунингдек муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш эки ахлоқ тузатиш ишлари жазолари ўталганидан кейин бир йил ўтгач;

г) қамоқ жазоси ўталганидан кейин — икки йил ўтгач;

д) беш йилдан кўп бўлмаган муқдатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин — тўрт йил ўтгач;

е) беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муқдатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин — ўн йил ўтгач тугалланиши белгиланган.

Агар шахс озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб

бўлганидан кейин унга нисбатан маъмурий жазо эки интизомий таъсир чоралари қўлланилмаган бўлса, жамоат бирлашмаси, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи, жамоа эки жазони ўтаб чиққан шахснинг ўзи берган илтимосномасига кўра, суд ушбу ЖКнинг 78-моддасида назарда тутилган муқдатларнинг камидан ярми ўтганидан кейин унинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин.

Ўн беш йил ва ундан ортиқ муқдатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан шахслар ҳамда ўта хавфли рецидивистлар, агар улар жазони ўтаб чиққанидан кейин ўн беш йил мобайнида янги жиноят содир этмасалар, суд уларнинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин.

Судланганлик авф этиш эки амнистия акти асосида ҳам олиб ташланиши мумкин.

ҚОЛИБ

КЕТГАН ҚАРЗ

Агар вафот этган одамнинг мол-мулки унинг фарзандларига ўтган бўлса, лекин мерос қолдирувчининг ҳаётлик даврида қарзлари бўлса, бу қарзлар мерос олувчилардан ундирилади-ми?

Л.Санаев,
Кибрай тумани

Ундирилиши мумкин албатта. Лекин бу мерос қолдирувчининг кредиторлари бўлиб, Чунки улар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1156-моддаси талаби бўйича, васиятномани ижро этувчига (меросни бошқарувчига) эки меросхўрларга мерос қолдирувчининг мажбуриятларидан келиб чиқадиган ўз талабларини қўйишга ҳақидирлар. Бу ҳолда меросхўрларнинг ҳар бири ўзига теккан мол-мулкнинг қиймати доирасида солидар қарздорлар сифатида жавабгар бўладилар.

ТЎЛАШ ШАРТМИ?

Турмуш ўртоғим билан тўрт нафар фарзандни тарбиялаб келаётган эдик. Шу йилнинг май ойида турмуш ўртоғим оғир хасталиқдан вафот этди. Болаларимиз ҳали жуда ёш.

Бундан икки йил олдин турмуш ўртоғим кам таъминланган оилаларга бериладиган нафақа олган эди. Ҳозир эса бу пулни тўлашга имкониятимиз йўқ. Шу пулни тўлашимиз шартми? Бизга амалий ёрдам берсангиз.

З.Қалқонова,
Дехқонобод тумани

Агар сиз кам таъминланган оилаларга Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги қарори билан тасдиқланган "Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларига мувофиқ тарзда тайинланган моддий ёрдам пулини назарда тутатган бўлсангиз, мазкур тартиб асосида тайинланган ва тўланган моддий ёрдам уни қайтаришни белгиланмайди. Чунки ушбу Низомда аҳолини муайян ижтимоий ҳимоялашга оид тадбирларни рўйга чиқаришда кам таъминланган оилаларга давлат маладини бериш мақсади кўзланган.

Шу боис, бундай ойлик моддий ёрдам оилага 6 (олти) ой муқдатга, унинг миқдори энг кам иш ҳақининг шу вақтда амалда бўлган 1,5 дан 3 (уч) бараварига миқдоридан белгиланади.

Ушбу муқдат тугагач, агар оилада моддий аҳвол яхшиланмаган бўлса, ёрдам мазкур Низомда белгиланган янги муқдатга тайинланиши мумкин.

Агар, ариза чиқариб (бир ойдан кўпроқ) вақт бўлмаган эки вафот этган ҳолларда моддий ёрдам оиланинг балоғатга этган бошқа аҳолига тўланиши мумкин. Бундай ёрдамни олиш учун мазкур ҳолатлар содир бўлган кундан бошлаб бир ойдан кечикмай муқжаат қилинган бўлиши керак.

БИР НОМДАГИ ИККИ ФИРМА

Яқин бир дўстим мен каби ишлаб қақуриш фаолиятини йўлга қўймоқчи. Мен ишлаб қақураётган маҳсулотлар бозорда ўз ўрнини топаилми сабаби дўстим ҳам маҳсулотлари харидорлар бўлиши учун менинг фирмам номини бермоқчи. Бунда у менидан ҳеч нима олмайдми. Яъни, унинг фаолияти меникига ҳеч қайси жаҳатдан боғлиқ бўлмайди. Шунинг учун ҳам унинг ниятига қарши эмасман. Аммо қону бўйича шундай қилиш мумкинми?

Э.Анваров,
Тошкент шаҳри

Аслида юридик шахснинг фирма номига бўлган ҳуқуқини бошқа шахсга бериш ва ўтказишга фақат юридик шахс қайта ташкил этилган ҳамда умуман корхона бошқа шахсга берилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Аммо Фуқаролик кодексининг 1101-моддаси талабига мувофиқ, фирма номига бўлган ҳуқуқ эгаси бошқа шахсга ўзининг бу номидан фойдаланишга рухсат этиши (лицензия бериши) мумкин. Бироқ бунда лицензия шартномасида истеъмолчини чалғитиб қўйишни истисно этувчи чоралар шарт қилиб қўйилиши лозим.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙ!

Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга муқжаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жаваб беради. Саволларингизни «Ниҳиқ» газетасининг «info@hiqiq-gazeta.uz» электрон почтаси орқали юборишингиз эки 233-26-62 телефон рақамига кўнғироқ қилиб беришингиз ҳам мумкин.

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганига 20 йил тўлди

Хар сафар она тилимиз - ўзбек тили ҳақида гап кетганда, беихтиёр улуг мутафаккир Абдулла Авлонийнинг "Хар бий миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур" деган пурмаюбо сўзларини эслайман.

Эсингизда бўлса, бундан кўп йиллар муқаддам, Мустақиллигимиз арафасида ўзбек тилига Давлат тили мақоми бериш масаласида қанчалар кийинчилликлар бўлган эди. Ва ниҳоят, 1989 йили Республикаимиз Олий Кенгаши сессияси бу масалани атрофича муҳокама қилиб, ўзбек тили давлат тили деб эълон қилган ва шу тахлит, миллатимизнинг руҳи ҳисобланган она



ҳисоблашмаслик эса, истайсизми-йўқми, маънавий жинойят ҳисобланади. Чунки, она тилимиз қонун ҳимоясига олинган.

Худди шундай ҳолат театр, кино, мусиқа санъатида ҳам, радио-телевидение кўрсатувлари ва эшиттиришларида ҳам учраб туради. Айрим кўрсатувлар ёки эшиттиришларда ўзбек тили оёғи осмондан қилиб талаффуз этилса, айрим қўшиқларда нима дейилаетганини умуман тушуниб бўлмайди. Сўзлар бузиб, ямлаб айтилади.

Холбуки, доно халқимиз айтмоқчи, "Суйдирадиган ҳам тил, куйдирадиган ҳам тил", "Тил - дил таржимони", "Тилга эътибор - элга эътибор"...

Шундай экан, она тилимизга,

ларда аксарият талабаларнинг на "Авесто"ни билиши, "Девони Лувогит турк"ни эшитмагани, Навоий ижодини юзак билиши, энг алам қилдиган ери, "Утган кунлар" ёки "Шум бола" сингари машҳур асарларнинг биронтасини ўқимагани, шунчаки улар асосида яратилган бадиий фильмлари орқалигина тасаввурга эга эканликлари яққол сезилиб қолди. Кино кўриш яхши. Лекин она тилимизнинг шакл-шамойили, қутги ва ранги, бутун бойлиги ўша китоблар бағрида мужассам эканлигини унутиб қўймаслик керак.

Бугунги маънавийтимизни она тилимизсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Одам боласининг ҳаёти она "алла"си билан бошлангани каби, инсоннинг қимлиги ҳам ўз она тилига бўлган муносабати, меҳри, ҳурмати билан белгиланади.

Ҳукуматимиз фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия, бизнес тизимлари каби ўта муҳим соҳаларда ҳам она тилимизнинг қўлланиш доирасини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратаётгани ҳам бежиз эмас. Чунки, Юртбошимиз айтганларидек, "Ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллати ўзлигини, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилажасига шубҳа йўқ."

Машҳур Доғистон шоири Расул Ҳамзатовнинг "Она тилим" деган ажойиб бир шеъри бор. Уни Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидов катта маҳорат билан ўзбек тилига ўтирган.

Унда жумладан шундай сатрлар бор ва мен ўз сўзимни ана шу шеърнинг сатрлар билан тутатганим келамди:

*Майли, ким қайси тилдан
заъку шавқ олса,
Менинг ўз тилимга минг
жоним фидо.
Эрта она тилим агар йўқолса,
Мен бугун ўлишга бўлурман ризо...*

Эркин УСМОНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ТИЛ — ДИЛ КАЛИТИ

тилимиз ўзининг қонуний мақоми ҳамда ҳимоясига эга бўлган эди.

Шундай қилиб, ўзбек тили ҳам мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, Давлат мадрясаси, Конституцияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсолларидан бирига айланди.

Умуман олганда, тил ҳақида узоқ тўхталиш мумкин. Аммо ҳозир гап унинг ҳаётимизда ё жамиятимизда тутган ўрни ёки аҳамияти ҳақида эмас, балки унга бўлган ҳозирги муносабат, умуман тил маданияти ҳақида.

Ўзбек тили қачон пайдо бўлган ва ёки унинг босиб ўтган машаққатли йўлини ҳам қўйиб турмайлик. Биламиз. Она тилимиз энг аввало буюк бобоклонимиз Мир Алишер Навоий номи билан боғланади. Зеро, биринчи бўлиб ўзбек тилида ўлма асарлар яратиб, уни олий даражага олиб чиққан ҳам у киши бўлган. Қолаверса, халқ мақолига айланиб кетган "Тилга эътиборсиз - элга эътиборсиз" деган сўзлар ҳам унинг қаламига мансуб.

Бугун она тилимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ба-

ланд, нуфузи юксак. Унинг шу даражага етишувиде эса, Навоий Захриддин Бобурдан тортиб, Абдулла Қодирий, Ойбек, Рафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповгача бўлган соҳиби қаламлар кўп пешона тери тўқдилар.

Аммо шунга қарамай, айрим ўринларда тилимизнинг камситилишига, унга пасткор назар билан қараш ҳоллари ҳам дуч келиб туради, бу салбий ҳолат кўнгилга қарши ҳолати.

Хусусан, айрим ташкилотлар ва идораларда ҳалигача тил қоидаларига тўлиқ риоя қилинмайди, она тилимизнинг фонетикасию орфографиясидан тортиб, грамматикасигача била туриб бузишади. Аксарият ҳолларда айрим ҳужжатлар тил қоидаларига зид равишда, қўпол хатолар билан тўлдирилади, узро мулоқотларда тил қонунларига риоя қилинмайди.

Мухтарам Президентимиз Ислам Каримов айнан шу ҳақда тўхталиб, ўзларининг "Юксак маънавият - енгилмас куч" китобида шундай ёзганлари бежиз эмас:

"Айни вақтда жамиятимизда тил маданиятини ошириш бора-

сида ҳали кўп ишлар қилишимиз лозимлигини ҳам унутмаслигимиз зарур. Баян расмий мулоқотларда ҳам адабий тил қодаларига риоя қилмаслик, фақат маълум бир ҳудуд доирасида ишлатиладиган шева элементларини қўшиб гапирини ҳолатлари учраб туриши бу масалаларнинг ҳали-ҳануз долзарб бўлиб қолаётганини кўрсатади".

Афуски, айрим матбуот, оммавий ахборот воситаларида ҳам шундай ҳолни кузатиш мумкин. Тўғри, бугун мамлакатимизда юзлаб газета-журналлар чоп этиляпти ва маънавийтимизга хизмат қилаяпти. Кўйинг-чи, миллион-миллион халқимизга юзлаб нашрлар кам ҳам бўлиши мумкин. Аммо уларнинг сифати, мазмун-мунарижаси ҳозирги замон талабларига жавоб бераётими? Таасуфки, йўқ. Сабаб, айрим нашрлар ўзбек тили қоидаларига умуман эътибор бермайди, имло хатоларига, шевага йўл қўйди, она тилимизнинг олмос қирралари янглиғ ранго ранг товланишларини ҳисобга олмайдди.

Холбуки, ҳукуматимизнинг Давлат тили ҳақидаги махсус фармон ва қарорлари бор. Улар билан

тил маданиятига алоҳида эътибор қаратмоғимиз шарт. Бу масалада айниқса фарзандларимизни боғча ва мактабларда, лицей ва коллежларда, институт ва университетларда тарбиялаётган педагог-ўқитувчилар зиммасига катта масъулият тушади.

Бугунги ёшларга ҳаваси келадиган кишини. Ҳар қаламда компьютер, интернет, замонавий ускуналар ҳозир нозир. Бугун улар инглиз, француз, немис, испан, араб сингари ўнлаб хорижий тилларни мустақам эгаллаб бормоқдалар. Бундай шароит ва имкониятлар учун ҳукуматимизга ҳар қанча миннатдорчилик билдирсак арзийди.

Аммо шунга қарамай, аксарият ёшларимизнинг бугун газетар-журналларни ўқмай, китоб мутолаасидан узоқлашиб қолаётганиклари кишини ташвишлантиради. Холбуки, миллатимиз шухратини дунёга таратган ўнлаб юзлаб асарлар айнан она тилимиз - ўзбек тилида яратилган.

Шу ўринда бир воқеа ёдимга тушади.

Пойтахтимиздаги олий ўқув юртларидан бирида адабий кеча бўлди ва шу ердаги савол-жавоб-

ТИЛИМИЗ СОФЛИГИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Азиз халқим, қаранг, ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганига ҳам 20 йил тўлибди.

Бу албатта оз мударат эмас. Ўзбек тилининг гўзаллиги, бетакрорлиги, жозибadorлиги, латифлиги ҳақида ҳар қанча гапирсак оз.

Ўзбек тилида тилимиз чиқди, шу тилда "Алла" айтилган, энг яқин одамларимиз билан шу тилда сўзлашамиз.

Оталаримиз оналаримизга муҳаббат изҳор қилган тил бу! Онажонларимиз кечалари эртага чўпчаклар айтган тил бу! Момоларимиз набираларининг бошларини силаб, кўзинчоғим, кўзүмүнчоғим дер эркалаган тил бу! Томиримиздаги қонимиз каби, юрагимизга яқин тил бу! Гўзалликда бетакрор, оҳанграбодек ўзига тортувчи, ўта мафтункор тил бу!

Абдулла Қодирийнинг "Утган кунлар" асариде соф

Ўзбек тилида айтилган сўзларга эътибор қаратайлик: "Сиз ўшами?", "Сиз қочқоқсиз", "Сиз қувлоқсиз", "Термангиз"...

Ёки ҳас, ибo, андиша, нафосат, назокат каби сўзларни олайлик. Бу сўзларни бошқа тилларга таржима қилсангиз, шу маънони англатувчи сўзлар чиқадди, аммо юқоридагилардай жозибador, ёқимли бўлиб чиқмайди.

Бошқа бирор тилда ўзбек тилидагидек ўзига хос шевалар, лаҳжалар бўлмаса керак. Аҳамият беринг-а: "кевотти", "келудти", "келяпти", "келопти"... Ҳаммаси ўзига хос бетакрор ва мафтункор.

Шундай экан, тилимизнинг софлигини сақлаб қолтиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз эканлигини зинҳор унутмайлик!

Гулнора ИБРАГИМОВА,
педагогика фанлари доктори, профессор

ҚАДРИ ТОҒ КАБИ БАЛАНД

*Она тилим бой тилим
Осмондаги ой тилим.
Қадринг тоғ каби баланд,
Абадий бул сарбаланд.*

Эллар, элатлар, миллатлар, ўлкалар кўп ва ҳар хил бўлганидек, тиллар ҳам кўп, туркуми бисёр. Қулоққа хуш эшитилувчи, дилга таскин берувчи, юракка ором бўлувчи тиллар ичиде она тилимнинг ўрни беқиёс. Бежиз она тилимга "бой тил, осмондаги ой тил" деб тариф бермадим. Дарҳақиқат, барчамизга маълумки, ўзбек тили мукамал грамматикага, маъно-мазмунга бойлиги билан ажралиб туради. Она тилимнинг бойлиги, қурлои бу сўзлар.

1989 йилнинг 21 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги қонуни ватанимиз тарихидаги муҳим ҳужжатлардан саналади. Шу кундан

эътиборан ўзбек тили янада раванқ топа бошлади. Тилимизнинг мақоми юксалиб, тои маънодаги давлат тили даражасига кўтарилди. Бу ҳолат давом этмоқда.

Биз ўқувчи ёшлар бошланғич синфдаёқ она тилимиздан сабоқ олиб, унинг сир-асрорлари билан таниша бошлаган эдик. Юқори синфларда ҳам бу борадаги билимларимизни мустаҳкамлаб бордик. Бунда бизларга она тили ва адабиёти ўқитувчилари катта ёрдам беришган. Она тилимда сўзлай олам, она тилимда қўлайман, она тилимдаги шеърларни ёд олам. Бу билан мен ўз она тилимни пухта билишга, англашга ҳаракат қиламан.



"Тил билган эл биладди" дейди доно халқимиз. Биз нафақат ўз она тилимизни, балки чет тилларини ҳам мукамал ўзлаштириб, келажакда юртимиз раванқига ҳисса қўшувчи қомил инсонлар бўлиб етишишга интилаверамиз.

Азизахон ТОПИЛОВА,
Тошкент юридик коллежи талабаси

ОБУНА — 2010

Хурматли газетхон!

Жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш бугун олдимизда турган устувор ва зифалардан эканлиги маълум. Бу жараён барча ҳуқуқий нашрлар қатори "HUQUQ" газетаси зиммасига ҳам масъулияти вазибалар юклямоқда.

Шу маънода, "HUQUQ" газетаси ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишининг ҳуқуқий асослари, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ислохотларнинг мазмун-маъияти, самарасини кенг тарғиб қилиш билан бир вақтда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг ҳар қандай кўринишига қарши жамоатчилик фикрини уйғотишни мақсад қилиб олган.

Суд-ҳуқуқ ислохотлари, прокуратура фаолияти, жиноят ва жазо, инсон ҳуқуқ ва маффаатлари ҳимоясига оид энг сара, таҳлили мақола-лар ҳуқуқий ислохотларнинг мазмун-маъияти бўлган ҳеч бир хат, ҳеч бир му-рожаат эътиборсиз қолмайди.

2010 йилда ҳам "HUQUQ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади.

ОБУНА
БЎЛИШГА
КЕЧ
ҚОЛМАНГ!



Нашир кўрсаткичи — 231

Истикдод йилларида халқимизнинг бир неча минг йиллик бой ва баёбоқ тарихий, маданий ва маънавий меросини тиклаш, сақлаш, ўрганиш, тарғиб ва ташвиқ этиш иши давлат сийқати даражасига кўтарилди.

Мазкур соҳада Президентимиз Ислам Каримов ташаббуслари ва бевосита раҳбарлигида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар улкан, ранг-баранг ва том маънода дунё халқлари ҳаваси-ю ҳайратини ўйотиб келётган археология меросимизни муҳофаза қилиш, тадқиқ этиш, тарихий-маданий тараққиёт йўли-мизнинг завориди бошқариш ва қонунчилигини аниқлаш, фуқароларимиз ва жаҳонга тараннум этиш билан боғлиқ чора-тадбирларни ҳам қамраб олади. Маълумотларга қараганда, бугунги кунда рўйхатга олинган 7570 та маданий мерос кўчмас объектнинг 3945 таси (52,1 фоизи) археология мероси объектига таърифу қилиниши ҳам бежиз эмас. Бундан ташқари, юртбошимиз ташаббуслари билан ишонилган Самарқанднинг 2750, Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларининг 2700, Хива, Бухоро ва Термиз шаҳарларининг 2500, Марғилоннинг 2000, Тошкентнинг жорий йилда нишонланган 2200 йиллик тўйлари билан боғлиқ тадбирларда, хусусан мазкур шаҳарлар ёшларни аниқлаш, уларнинг халқимиз ва жаҳон цивилизацияси тарихида

нинг ҳам диққат ва қизиқишларини тортиб келмоқда. Шунга қўра Мустақиллик йилларида ўзбек олимлари Япония, АҚШ, Испания, Италия, Франция, Германия, Польша, Россия каби давлатлардаги ҳамкасблари билан биргаликда қатор археология объектларида излашлар ва кенг илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Бир сўз билан айтганда, археология соҳасида улкан ютуқ ва имкониятларга эгалитимиз билан бир қаторда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳам йўқ эмас, албатта. Шунингдек, археология меросимизни кўз қорачиғини авайлаб-асраш, илмий ўрганиш ва тарғиб ташвиқ қилиш масаласида ҳал этилиши лозим бўлган долзарб масалалар ҳам бугунги кунга келиб ўз ечимини талаб этаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Хусусан:

биринчидан, ҳозирги кунда мамлакатимиздаги барча археология объектларининг аниқ сони маълум эмас. Археология институтидан олинган маълумотларга қўра археология объектларининг умумий сони 8500 атрофидадир. Бироқ Маданият ва спорт ишлари вазирлигида рўйхатдан ўтган археология объектлари 3945 тани ташкил этади. Демак, археология объектларининг ҳисобини юртида доир ягона ёндошув тизимли ҳуқуқий тартибда белгиланмаган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 февралдаги "Ўзбекистон Археология ёдгорликларини сақлаш чоралари ва ёдгорликларни ўрганишнинг аҳоли тўғрисида"ги 64-сонли қарори, 2002 йил 29 июлдаги "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 269-сонли қарори ва унга илова қилинган "Ўзбекистон Республикаси маданий мерос объектлари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида"ги Низом, шунингдек, 1999 йил 23 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши масалаларини тартибга солиш тўғрисида"ги 131-сонли қарори каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилинмоқда. Аммо уларда археология соҳасида оид асосий тушунчалар хусусан, археолог, археология ашёлари давлат каталоги, археология ашёси, археология ёдгорлиги, археология мероси объекти, археология назорати, археология объекти, археология қидирувлари, илмий ҳисобот, очиқ varaқ, русатнома, шунингдек, археология тадқиқоти ва археология қазималарини олиб бориш билан боғлиқ муносабатларни тўлақонли равишда ҳуқуқий таъминлаш имконини мавжуд эмас эди. Бошқача айтганда, яқин кунларгача мамлакатимизда археология

фаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари белгиланган.

Ўн бир молдан ўз ичига қамраб олган "Археология мероси объекти"нинг давлат томонидан муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш "деб номланган 3-бобда археология объектларининг давлат томонидан муҳофаза қилинишини таъминлаш ва улардан фойдаланиш, археология объектини Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрига киритиш ҳамда мазкур давлат кадастрдан чиқариш тартиби, археология ашёларини давлат ҳисобига олиш ва сақлаш, археология ашёлари давлат каталогини юритиш, археология ашёларини археология ашёлари давлат каталогида рўйхатдан ўтказиш, археология ашёлари давлат каталогида рўйхатдан ўтказилган археология ашёларини тасарруфдан чиқариш, археология ашёларини давлатга топшириш ҳамда фан, маданият ва таълим муассасаларига бириктириб қўйиш, фан, маданият ва таълим муассасаларига бириктириб қўйилган археология ашёларидан фойдаланиш, археология ашёларини асраш чора-тадбирлари шунингдек, археология ашёларини Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш тартиби ва шартларига оид нормалар ўз аксини топади.

Ушбу Қонуннинг 4-боби тўққиз молдан иборат бўлиб, у "Археология

"Яқунловчи қондалар" деган 5-боб археология мероси объектиларини давлат томонидан муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек археология қидирувларини, археология қазималарини ва археология назоратини молиялаш тартиби ҳақидаги (29-молда), археология мероси объектиларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик ҳақидаги (30-молда), археология мероси объектиларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги низооларни ҳал қилиш ҳақидаги (31-молда), археология мероси объектиларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик ҳақидаги (32-молда), қонун ҳужжатларини "Археология мероси объектиларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқлаштириш ҳақидаги (33-молда), "Археология мероси объектиларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуннинг қучга кириши ҳақидаги (34-молда) олтига молдан иборат.

Дарҳақиқат, "Археология мероси объектиларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни миллий ва халқаро тахриб ҳамда "Археология меросини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Европа конвен-

АРХЕОЛОГИЯ СОҲАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

тутган ўзига хос ўрни ҳамда улушини асослашда археология меросини ва олимларининг хизматлари беқийсдир. Археологларимиз излашларини натижаси ўлароқ, замонавий оламнинг Марказий Осиё минтақасида топилган, миолдан олдинги қирқинчи минг йилликларга тегишли гоминид-олам қолдиқлари, янги палеолит ва неолит даврлари ёдгорликлари, жумладан палеолит даврига оид тошга ишлов бериш устaxonаси, Ўзбекистон ҳудудида 5000 йил бурун мавжуд бўлган леҳқончилик маркази, 3000 йил олдин бунёд этилган суний суғориш тизимлари, Ўрта Осиёнинг энг қадимги буддавийлик ибодатxonаси, санъат намуналари, Афросиёб, Ҳолчаён, Далаварзиптепа, Еркиўргон, Шўлуктепа, Оёқонгитма, Кўктепа сингари ўнлаб археология объектлари, шунингдек минглаб археология ашёлари ўзбек халқининг қўҳна ва юксак даражада ривожланган давлатчилик ва маданий ривожининг тасдиқидир.

Ўзбекистон халқи маданий меросининг ажралмас қисми бўлиши археология мероси объектиларини илмий ўрганиш, тадқиқотлар натижаларини жамоатчилик, дунё аҳлига етказиш, ўсиб келётган ёш авлодини тарихий билимлар билан қуроллантириш энг муҳим вазифалар сирасига кириши шубҳасиздир. Археология тадқиқотлари ҳозирда Фанлар академиясининг Археология институти ва Қорақалпоғистон бўлими Археология ва этнография институти, Ўзбекистон Миллий университетининг Археология ва этнология кафедрасида, Бадий академиянинг Санъатшунослик институтида, Самарқанд давлат университетининг Археология, қадимги дунё тарихи ва этнография кафедраси, Термиз давлат университетининг Ўзбекистон тарихи кафедраси ва жаҳон тарихи кафедрасида олиб боришмоқда. Хусусан, мамлакатимизда археолог олимларининг умумий сони 70 га яқин бўлиб, улар тош давридан ривожланган ўрта асрларгача тарихий бошқарини ўрганиш билан машғулдилар. Улар томонидан ўтган даврда очилган қазималар ва чоп этилган илмий ишлар халқаро миқёсда ўз эътирофини топганлигини таъкидлаш лозим.

Ортимизда мавжуд ноёб ва бой археология мероси дунё олимлари

Чунки мазкур фаолиятни тартибга солишдан ягона умуммажбурий норматив ҳужжат мавжуд эмас;

иккинчидан, ўтган йилларда олиб борилган археология тадқиқотлари жараёнида топилган археология ашёлари мамлакатимиздаги турли фан, таълим ва маданият муассасаларида сақлаб келинмоқда. Улардан олинган маълумотларга қўра, Археология институтида 25.000 атрофида, Самарқанд давлат университети хузуридаги Археология музейида 40.000 дан ошиқ, Санъатшунослик институти Ноёб объектлар коллекциясида 2000 дан ортиқ археология ашёси сақланганлигини маълум бўлди. Маданият ва спорт ишлари, Фанлар академияси тизимидagi музейлар, ҳатто айрим ҳокимликлар, мактаблар қолдиқлари музейлари ҳам археология ашёларининг умумий сони ва уларнинг сақлиниш шароитлари бўйича умумлашма маълумотлар етарли даражада эмас;

учинчидан, археология тадқиқоти, хусусан унинг турлари бўлиши археология қидирувлари, археология қазималари ва археология назоратини амалга оширишни тартибга солишдан ягона ҳуқуқий ёндошувга ҳам зарурат мавжуд. Zero, археология меросимизни муҳофаза қилиш, энг аввало, мазкур институтилар мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш, бу борадаги фаолиятни нормативлаштириш, археология тадқиқотлари субъектлари ҳуқуқ ва мажбуриятларини, археология тадқиқотларини амалга ошириш шартлари, археология ашёси топилган пайтдан то фан, таълим ва маданият муассасаларига бириктириб қўйишга ҳамда уларни кейинчалик авайлаб-асраб, улардан фойдаланиш қондаларини белгилаб қўйишдек жараён билан ўта боғлиқдир.

Миллий қонунчилигимизда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга доир қонунлар ва меъърий ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида"ги ва "Архивлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари шунингдек,

гия фаолияти асосан қонуности ҳужжатлар негизли тартибга солинаётган эди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 16 июнда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2009 йил 28 августда маъқулланган ҳамда 2009 йил 13 октябрда маъқулланган "Археология мероси объектиларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонун мазкур соҳанинг ягона ҳуқуқий асосини яратди десак муболаға бўлмайди.

"Археология мероси объектиларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни беш боб ва ўттиз тўртта молдан иборат. Мазкур Қонуннинг мақсади археология мероси объектиларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Қунончи, "Умумий қондалар" деб номланган 1-боб тўртта молдан иборат бўлиб, 3-молда "археолог", "археология ашёлари давлат каталоги", "археология ашёси", "археология ёдгорлиги", "археология мероси объекти", "археология назорати", "археология объекти", "археология тадқиқоти", "археология қазималари", "археология қидирувлари", "илмий ҳисобот", "очиқ varaқ", "русатнома" каби тушунчалар ёритиб берилган. Хусусан, унга биноан "археология объекти" деганда, инсон фаолиятининг барча қўришиларига таллуқли ҳамда сақланган ҳолатдан қатъи назар археологик, антропологик, этнографик қимматга эга ўз тарихий, илмий, бадий, маданий қимматга эга бўлган жон, иншоот (асар), иморат, мажмуа (ансамбль), уларнинг бўлақлари, улар билан боғлиқ худудлар тушунилади.

Қонуннинг 2-боби "Археология мероси объектиларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги бошқарув" деб номланган, унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг, мазкур соҳасидаги махсус ваколатли муассасаларнинг, шунингдек Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг археология мероси объектиларини муҳо-

фия мероси объектиларининг археология тадқиқоти" деб номланган. Мазкур бобдаги 20-молдага мувофиқ, археология қидирувлари, археология қазималари ва археология назорати ўз таъсис ҳужжатларида археология қидирувлари, археология қазималари ва археология назоратини амалга ошириш назарда тутилган давлат муассасалари ҳамда таъкилотлари томонидангина махсус ваколатли муассасаси белгиланган тартибда амалга оширилади. Улар ишларнинг сифатли бажарилиши, илмий ҳисоботнинг ўз вақтида тақдим этилиши ва сифати учун жавобгар бўладилар. Археологга очиқ varaқ ва русатнома мавжуд бўлганлигига археология қидирувлари, археология қазималари ва археология назоратини амалга оширишга йўл қўйилади. У археология қидирувлари, археология қазималари ва археология назорати бевосита раҳбарлик қилиши шарт. Раҳбарлиқни бошқа шахсга ишониб топширишга йўл қўйилмайди. Археология объектида қазималарни ўзбошимчилик билан амалга ошириш тақиқланади. Бундай ҳаракат давомида қўлга киритилган археология ашёлари давлат мулкига топширилиши керак.

21-молдага биноан эса, археология қазималарини режалаштиришда устуворликка риоя қилиниши лозим бўлиб, бундай устуворликка мувофиқ археология қазималари аввало табиий емирилиш ва қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар қандай бошқа ҳаракатлар ҳамда ҳолатлар хавф тулираётган археология объектларида ёки археология ёдгорликлариди амалга оширилади дейилади.

Шунингдек, ушбу бобда очиқ varaқ ва русатнома бериш тартиби ҳамда шартлари хусусида, очиқ varaқнинг шакллари ва амал қилиш муддатлари, очиқ varaқ ва русатнома олган археологнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, археология объектларида махсус асбоб-ускуналардан фойдаланиш тартиби ва шартлари, фан, маданият ва таълим муассасаларига бириктириб қўйилган археология ашёларининг археология тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилиши ва илмий ҳисобот тузишга доир талаблар ўз аксини топади.

цияси (Валетта, 1992), "Археология меросини муҳофаза қилиш ва бошқариш тўғрисида"ги хартия (Лозанна, 1990), ЮНЕСКОнинг Археология қазималарини амалга оширишнинг халқаро тартиби принципларини белгилаб берувчи тавсияларида (Нью Дели, 1956) назарда тутилган ёндошувларга ҳам асосланган. Бундан ташқари, мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда Америка Қўшма Штатларининг 1966 йилдаги "Миллий аҳамиятга эга тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни, Россия Федерациясининг 2002 йил 25 июндаги "Россия Федерацияси халқларининг маданий мероси объектиларини тўғрисида"ги Қонуни шунингдек, "Қозғоғистон Республикасининг тарихий-маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуни ва бир қанча ривожланган мамлакатлар қонунчилигининг ижобий жиҳатлари ўрганилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Умуман олганда, "Археология мероси объектиларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мазкур соҳадаги муносабатларда юзага келган ҳуқуқий бушлиқни тўлдирлишида шунингдек, мамлакатимизнинг бой археологик меросини янада ҳуқуқ ўрганилишига ва халқаро майдонда кенг тарғиб этиш жараёнида ўзининг муносиб ҳиссасини қўйиши шубҳасиздир.

Хулоса қилиб айтганда, археология соҳасини жамят маданий-маърифий ҳаётидаги аҳамиятини нўҳоятда катта — у буюқ тарихий воқеаларни ўрганиш учун барча имкониятлар мавжуд бўлган ягона ёки асосий соҳа бўлиб ҳисобланади. Бу соҳани тизимли ўрганиш — улкан илмий ва гоъвий-тарбиявий аҳамият касб этади. Археология ашёлари ва объектиларини ҳар томонлама тадқиқ қилиш ва оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб этиш фуқароларнинг тарихий онгини бойитишига, уларда фахр ва ватанпарварлик туйғусини шакллантиришига улкан ҳисса қўшади.

Олимжон ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг хузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ходими

Сўнгги йилларда ҳукуматимиз томонидан иқтисодий соҳада қўллаб-қўллаш амалга оширилмоқда. Мамакатимизда мулкчиликнинг турли шакллари ҳуқуқий тенглик берилди. Тижорат ривожланиб, ишбилармонлик, тадбиркорлик ва ташаббускорликка кенг йўл очилди. Аммо афсуски, ана шу имкониятлардан ҳалоллик билан, унумли фойдаланиб, барака топишдан кўра ўз шахсий манфаатини юқори қўяётган, нафс гирдобига тушганлар ҳали-ҳануз учраб турибди. Йўқса, 2002 йилда яхши ниятлар билан "Трансхизмат" хусусий фирмасини ташкил қилиб, отасининг номига расмийлаштирган фаллаороллик Эркин Сатторов бугун суднинг қора курсисига ўтирмаган бўлармики?!

Пиллапояннинг биринчисига чиққан одам иккинчисига ҳам чиқишни хоҳлайди. Орадан уч йил ўтар-ўтмас, Э.Сатторов ҳам Жиззах вилояти ҳудудига фаолият кўрсатаётган, аҳоли ва корхоналарга хизмат қилаётган "Фаллаорол газ қўйиш" шохобчасини хусусийлаштириб олди. Албатта, бу ишда унга амакиси Олимжон Сатторов катта ёрдам берди. 1994 йилдан 2004 йилгача "Жиззахвилоятгаз" бошқармасида иқтисод бўйича директор ўринбосари вазифасида фаолият юритган О.Сатторов бу пайтда шу бошқарма назорат инспекцияси бошлиғи ҳамда директор ўринбосари бўлиб ишлар эди. Ҳар қандай ишни бошлаган одам ёнига авваламбор "ўзига тегишли" шахсларни йиғишга ҳаракат қилади. Эркин ҳам шу йўлдан бориб, шохобча операторлигига ишончли одамларини — укаси Жаҳонгир ҳамда "Марказгазташминот" унитар корхонасининг Жиззах вилоят бошқармаси "Бахмалтумангаз" филиалида ишловчи таниши Абдуғофур Эгамовни тайинлайди (А.Эгамов кейинчалик ишдан бўшамаган ҳолда филиалнинг ГАЗ-53 русумли юк автомашинаси ҳайдовчиси бўлиб ишга ўтади).

Фаолиятини бошлашдан олдин, ака-укалар амакилари бошчилигида "Фаллаорол газ қўйиш" шохобчасига "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси томонидан белгиланган фонд ҳисобидан имтиёзли нархларда Жиззах вилояти аҳолиси учун ажратилаётган суюлтирилган газ маҳсулотларини ўзлаштириш устида бош қотаришди. Ва "Излаган имкон топади" деганларидек, тезда бунинг иложини ҳам топишди. Бу вазифани О.Сатторов ўз зиммасига олди. Бунинг учун у "Жиззахгаз" ҳудудий газ таъминот корхонаси бошлиғи Нурмағам Раҳматовнинг хузурига йўл олди. Пул нималар қилмайди дейсиз? Бошлиқнинг чўнтагига тушган олти миллион сўм шу заҳоти ўз кучини кўрсатади, яъни корхона билан шохобча ўртасида суюлтирилган газ билан таъминлаш тўғрисида шартнома расмийлаштирилади. Кўп ўтмай шу шартнома асосида 575 тонна миқдоридagi суюлтирилган газ лимити кўлга киритилди. "Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас", деган мақол бор. Буни Н.Раҳматов ҳам яхши билар экан. Йўқса, аҳоли учун мўлжалланган суюлтирилган газни белгиланган мақсадларда фойдаланилмай, шохобча орқали автомобилларга эркин нархда сотилаётганини ошқор қилмаслик учун 2006 йилнинг февраль ойидан декабригача ҳар ойда 6 млн.дан жами 66 млн. сўм миқдорига "маош" олармики?!

Унга кўра, газ маҳсулотини етказиб беришчи корхоналардан олинган суюлтирилган газ, оператор бўлиб ишловчи Жаҳонгир орқали эркин нархларда сотила бошланади. Олимжон Сатторов бўлса, Жиззах вилоятининг туман газ филиаллари мансабдор шахслари орқали гўёки суюлтирилган газ маҳсулотини имтиёзли нархда аҳолига сотилгани ҳақида сохта ҳужжатларни тuzдиришни таъминлаш билан шугулланади. Абдуғофур Эгамовнинг вазифасига газлаштирилган аҳоли пунктлари жойлашган қишлоқ фуқаролар йиғинлари раисларига суюлтирилган газ маҳсулотини тарқатилганлигини тасдиқловчи бўш маълумотнома бланкаларига имзо қўйдириш, ушбу маълумотномаларга аслида тарқатилмаган газ миқдорини қайд қилиб, туман газ филиалига ҳисобот тариқасида топшириш кирди. Ре-

жанинг якуни бўйича ноқонуний савдонга тушган пул маблағлари уюшган гуруҳ ўртасида тақсимлашга келишилди.

Натижа ёмон бўлмади. Фирма орқали шу йўл билан 2006 йилда ҳар бир кг.ни 52 сўмдан, жами 522.880 кг., 2007 йилда 74 сўмдан, жами 574.225 кг. ва 2008 йилнинг беш ойида 75 сўмдан, жами 135.780 кг., умумий ҳисобда эса, "Муборак газни қайта ишлаш заводи" УШК, "Шўртаннефтегаз" УШК, "Муборакнефтегаз" УШК, "Сирдарё вилоят суюлтирилган газ тармоқ манбаи" МЧЖ, "Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи" корхоналаридан аҳоли учун умумий ҳисобда 1 млн. 232 минг 885 кг. 80 млн. 704 минг 652 сўмлик суюлтирилган газ сотиб олади. Ўз навбатида ушбу қайд этилган газ маҳсулотидан айтиб ўтилган даврларда аҳолига бор-йўғи 108.200 кг.мини ҳар килоси 120 сўмдан, жами 12 млн. 984 минг сўмга сотилади. Қолган маҳсулот эса Жаҳонгир Сатторов ёрдамида тергов даврида аниқлашнинг имкони бўлмаган ҳайдовчиларга пулланади. Жумладан, 2006 йилда 489.280 кг. суюлти-

га маъсۇл шахсларга "Фаллаорол" хусусий шохобчаси раҳбари Э.Сатторов томонидан тайёрланган сохта юк хатларига имзо қўйиб беришни тайинлашди. Ўзлари эса туман газ филиали раҳбарлари сифатида суюлтирилган газ аҳолига имтиёзли нархларда тўлиқ сотилганлиги ҳамда ажратилган фонднинг мақсади ишлатилганлиги тўғрисида "Марказгазташминот" УШК Жиззах вилоят мувофиқлаштириш бошқармасига ҳисобот топширишади.

Шохобча раҳбари Э.Сатторов олгиниқда амакисидан қолишмаслигини



ОЛҒИРЛАР

рилган газнинг ҳар килосини 378,70 сўмдан — 749,60 сўмга, жами 261 млн. 856 минг 810 сўмга, 2007 йилда 520.625 кг.ни 510 сўмдан — 750 сўмга, жами 331 млн. 628 минг 540 сўмга, 2008 йилнинг беш ойи давомида эса 114.780 кг.ни 522 сўмдан — 706 сўмга, жами 70 млн. 970 минг 470 сўмга, умумий ҳисобда эса 1 млн. 124 минг 685 кг. суюлтирилган газ маҳсулотини 664 млн. 455 минг 820 сўм нақд пулга сотилади. Тушган фойда гуруҳ томонидан ўзаро тақсимланади.

Тан олиш керак, на Эркин Сатторов ва на унинг ҳамтовоқлари бу ишларни раҳнамоларининг кўрсатмаси ва амалий ёрдамсиз амалга ошира олмадилар, албатта.

Уларнинг "ишонган тоғ"лари бўлиши Олимжон Сатторов ўша йилларда амал пиллапоярларидан юқорилаб бораётган эди. Ака-укалар ишни бошлаган, яъни шохобча хусусийлаштирилган вақтда назорат инспекцияси бошлиғи — директор ўринбосари бўлган амаки, 2006 йил ноябрдан келгуси йилнинг июлигача "Марказгазташминот" УШК Жиззах вилоят мувофиқлаштириш бошқармасида таъминотчи, сўнгра "Марказгазташминот" ҳудудларо унитар корхонаси директорининг иқтисод бўйича ўринбосари лавозимида фаолиятини давом эттираётган эди. Йиллар давомида йиғилган обрў-эътибор, мавқе, қолаверса, охириги иш жойи бўйича хизмат вазифасига бухгалтерия бўлими, ултуржи истаъмоқчилар ва аҳолини табиғий газ билан таъминлаш ва ҳисобга олиш хизматини (бўлимини) назорат қилиш юклатилганлиги, шунингдек, "Марказгазташминот" УШК Жиззах вилоят мувофиқлаштириш бошқармаси аянган ушларётган "Марказгазташминот" ҳудудларо унитар корхонасига тўғридан-тўғри бўйсиниши сабабли, табиғийки, унинг айтгани айтган, дегани деган эди. Бундан унумли фойдаланган О.Сатторов, ўзининг назорати остидаги "Марказгазташминот" УШК тизимидаги "Бахмалтумангаз" филиали раҳбари Тоҳир Норматов ҳамда "Зоминтумангаз" филиали бошлиғи Ҳасан Имомназаровларга таъйиқ ўткази бошлайди. Унинг кўрсатмасига асосан Т.Норматов билан Ҳ.Имомназаровлар қўл остиларидаги, аҳолига суюлтирилган газ маҳсулотини тарқатиш-

амалда ишотлайди. У бир вақтнинг ўзида ҳам оператор, ҳам "Бахмалтумангаз" филиалида ҳайдовчи-механик бўлиб ишлайдиган А.Эгамовга 2006-2007 йиллар давомида бор-йўғи 33.600 кг., 2008 йилнинг беш ойида 14.000 кг. умумий ҳисобда эса 81.200 кг., 9 млн. 744 минг сўмлик суяқ газ ажрати берган бўлса-да, шохобчанинг ҳисобхона ҳужжатларида ўтган даврда А.Эгамовга жами 1.151.020 кг маҳсулот ажратилганини кўрсатади. Шунингдек, суяқ газ чиқим қилинганлиги тасдиқловчи 427 та сохта юк хатларини расмийлаштириб, "қабул қилдим" деган ёзувлар тўғрисидаги графага А.Эгамовга ҳар ойда қўшимча 100 минг сўм ҳақ тўлаш эвазига имзо қўйишни ҳамда Бахмал туманидаги "Нушкент", "Сангзор", "Бўрон", "Ойкор", "Узунбулоқ" каби қишлоқ фуқаролар йиғинлари раисларидан ойма-ой олинган, раиснинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган "аҳолига суяқ газ тарқатилиши ҳақидаги" маълумотнома бланкасига тарқатилган газ миқдорини ошириб кўрсатишни буюради. Шу йўл билан шохобчага ажратилган суяқ газ лимитини ёпишга эришилади.

Аслида эса 2006-2007 йиллар ва 2008 йилнинг 5 ойида А.Эгамов номига чиқим қилинган жами 1.151.020 кг. суюлтирилган газдан 1.069.820 кг.мини "Трансхизмат" хусусий фирмасига қарашли автомобилларга газ қўйиш шохобчаси оператори Ж.Сатторов орқали тергов даврида аниқлашнинг имкони бўлмаган ҳайдовчиларга ҳар килосини 378,70 сўмдан-749,60 сўмга бўлган (эркин савдо) нархларда жами 624 млн. 347 минг 76 сўмга сотилади. Кейин бўлса, А.Эгамовнинг номидан гўёки қайд этилган миқдордаги газ маҳсулотининг ҳар бир килограмми аҳолига белгиланган 120 сўмдан сотилганлигига юқори турувчи идораларни ишонтириш мақсадида, 2006 йилда 58 млн. 963 минг 800, 2007 йил давомида 66 млн. 507 минг, 2008 йилнинг 5 ойида эса 12 млн. 651 минг 600 сўмлик, жами 138 млн.122 минг 400 сўмлик савдо пуллари кирим патталари орқали шохобча хазинасига кирим қилирилади. Қолган 495 млн. 968 минг 676 сўм нақд пул ўзаро тақсимланади.

Юқорида амакисидек "суянган тоғ"и турганидан руҳланган Э.Сатторов яна-

да олға интилади. У Зомин тумани аҳолисини газ билан таъминлаш бора-сидаги маъсۇл шахс бўлиши, филиалдаги омбор мудирини Х.Бурановга фақатгина 2008 йилнинг апрель ойида 7000 кг. 840 минг сўмлик суяқ газ ажрати берган бўлса-да, шохобчанинг ҳисобхона ҳужжатларига Х.Бурановнинг номига 2006 йил сентябрда 31.515 кг. ва 2008 йил апрелда 30.350 кг. 7 млн. 423 минг 800 сўмлик суяқ газ чиқим қилинганлигини тасдиқловчи 16 та сохта юк хатини расмийлаштирилади. "Қабул қилдим" ёзувлари рўпасидаги графа-

га эса омбор мудирини қўл қўйишга мажбур қилади.

Аслида Х.Буранов номига чиқим қилинган газнинг 54.865 килограмми фирмага қарашли автомобилларга ҳар килоси 706 сўмдан 749,60 сўмга бўлган нархларда, жами 40 млн. 108 минг 744 сўмга сотилади. Шунингдек, Х.Бурановнинг номидан гўёки аҳолига 61.865 кг. газнинг ҳар килосини белгиланган 120 сўмдан сотилган дея, 2006 йилнинг сентябрда 3 млн. 781 минг 800 сўмлик савдо пуллари кирим патталари орқали шохобча хазинасига кирим қилинади. 2008 йилнинг апрель ойида эса, "Зоминтумангаз" филиалига сотилган газнинг 2 млн. 731 минг 500 сўми Х.Буранов орқали шохобчанинг банкдаги ҳисоб рақамига топширилади. Қолган 33 млн. 524 минг 944 сўм яна "ўз эгаси"ни топади.

Оқибатда, 2006-2007 йиллар ва 2008 йилнинг 5 ойи давомида "Ўзтрансгаз" АК томонида аҳолига имтиёзли нархларда сотиш учун ажратилган газ Бахмал туманидаги 2737 та ва Зомин туманидаги 2492 та хонадонга етказиб берилмади.

Шундай қилиб, "Фаллаорол газ тўдириш" шохобчаси раҳбари Э.Сатторов томонидан амакиси О.Сатторовнинг раҳнамолиги ҳамда шериклари Ж.Сатторов ва А.Эгамовларнинг ёрдами билан 2006-2007 йиллар ва 2008 йилнинг беш ойи давомида жами 1.124.685 кг. суюлтирилган газ "Трансхизмат" хусусий фирмасига қарашли автомобилларга газ қўйиш шохобчаси орқали чакана нархларда жами 664 млн. 455 минг 820 сўмга сотилади. Ҳужжатларда эса шунча миқдордаги газ маҳсулотини аҳолига белгиланган нархда, яъни ҳар килоси 120 сўмдан сотилди дея, банкка 134 млн. 962 минг 200 сўм топширилади. 529 млн. 493 минг 620 сўм маблағ гуруҳ ёзувлари ўртасида талон-тағрож қилинади.

Ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди. Ака-укалар ҳам, уларнинг раҳнамолири ҳам қилмишларига яраша жазога тортидилар. Аммо масаланинг иккинчи томони ҳам борки, ҳайрон қолади киши. Хўп, улар-ку, шайтон васвасасига учиб, нафс бандасига айланмишдир. Бироқ, нафсага қўл бўлиш орқали виллоятнинг икки туманида истиқомат қилувчи аҳолини газсиз қолдиришга уларга ким ҳуқуқ берди? Ҳудд, О.Сатторов жиянларига ҳалолликда ўрناق бўлиш ўрнига ўзи бош бўлиб, жиноят қилишини нима билан изохлаш мумкин? Хулоса чиқариш ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

Шухрат ХУСЕНОВ,
Республика Бош прокуратураси
бошқарма бошлиғи ўринбосари

Шом пайти, гира-ширада польезд олдида шовқин-сурон кўтарилди. Биров "Ёрдам беринглар!" дея чиқирди. Ишдан қайтиб, ҳали кийимини алмаштиришга улгурмаган ногурул йигит шовқини даҳизига чиққанида хотини билдирди.

— Чиқмайси!
— Бориб кўрайчи! — йигит уни силтаб ташлади. Аёл кўллариини ёзиб эшикни ўтсиб олди.
— Иккита пианиста уришса, сизга нима? Сизиям бир балага

ри етказилиши мумкин. Нафақат ўта оғир жиноят, бошқа турдаги жиноий қилмишлар ҳам теварақдаги фуқароларнинг кўриб кўрмаганга, билиб билмаганга олишлари тубайди газаклайди. Бироқ қонунбузилишга бефарқ қарамайдиган, бировнинг бошига тушган кулфатга жони ачийдиган, мушкулни осон қилиш учун беминарлар ёрдамга шошиладиган фуқаролар оз эмас.

Куйидаги жиноят иши бунга бир мисол.

— Ярашиб олаверингда, — деди бир куни кўшни аёл Наргизахон.
— Юрагимни олдириб кўйганман. Соғлигида туппа-тузугу, ичиб олса, ваҳшийга айланади. Неча марта айтдим, ичсини ташласангиз, бирга тураверамиз, деб. Хўп дейди-ю, яна ичиб келаверади. Пианиста билан қандай яшайман?

Бозорда бирга савдо қилдиган аёллар ҳам бу машаққатлардан бохабар эдилар. Бир яқинида йўлланманг деса, бири ярашиб олинг, деб маслаҳат берар, Эркин ойи

— Ярашиб олаверингда, — деди бир куни кўшни аёл Наргизахон.
— Юрагимни олдириб кўйганман. Соғлигида туппа-тузугу, ичиб олса, ваҳшийга айланади. Неча марта айтдим, ичсини ташласангиз, бирга тураверамиз, деб. Хўп дейди-ю, яна ичиб келаверади. Пианиста билан қандай яшайман?

Бозорда бирга савдо қилдиган аёллар ҳам бу машаққатлардан бохабар эдилар. Бир яқинида йўлланманг деса, бири ярашиб олинг, деб маслаҳат берар, Эркин ойи

— Билганизи қилинг, қайтиб уйимга қадам босманг.

— Рост экан-да, ким ўша жазманинг?! — дея Улугбек ошхонадаги пичоқни чангаллаб чиқди. Эркин ойи дод солишига қарамай пичоқни тикиб олди.

— Ўша куни эрталаб Наргизахон польездни супуриб сидираётган эди. Кўшни аёлнинг додлашини эшитиб, хонадонларига югуриб кирди. Улугбекнинг ерда ётган хотинига пичоқ санчишга кўтарилган кўлига ёпишди. Пичоқ унинг

ҚЎШНИСИ ЖОНИГА ОРО КИРДИ

рўпара қилишини? Мен-ку гўрга, болаларингни уйлан!

— Бақирган аканг, ё уканг бўлса-чи?

Йигит хотинини четга суриб ташқарига чиқди. Польезд чирогининг гира-шира нурида гузнак ётган одамга кўзи тушди. Тузукроқ разм солса, қонга беланган, нафас ҳам олмайпти. Балки ҳали тирикдир? "Тез ёрдам" чақирди". Милицияга телефон қилди. Бироқ кеч бўлган эди.

— Агар қўлимга осилмаганингда... — у афсусланиб бошини чайқлади.

— Ҳар кимнинг жони ўзига ширин, — аёл тагин ўзиникини маъқуллади. — Унга кўшиб сизини пичоқласа, нима қилардим?

Юқоридаги каби айрим жиноят ишларининг терговиде марҳум тирик қолиши мумкин бўлган ҳолатлар ҳам кўзга ташланади. Кўни-кўшниллар ёки теварақ-атрофдаги ўткинчи одамларнинг бефарқлиги, лоқайдлиги, жанжаллашаётган, мушланиётган кишиларни ажратиб қўйиш, тартибга қачириб ўрнига томошабин бўлиб туришлари оқибатда рақиблардан бирга бевақат ҳаётдан кўз юмалди даражада оғир тан жараҳатла-

У пичоқ билан баданларини тилиб ташлади. Агар Наргизахон кўшнининг жон аччиғида додлашини эшитиб, хонадонга кириб бориб қўлидан ушлаб олмаганида, Эркин ойи омон қолмаслиги аниқ эди. Пичоқ қўлидан тушиб, Улугбек кўчага югурди. У қачондан бери собиқ турмуш ўртоғига "ўлдирман" деб дағдага қилиб юрганини кўпчилик билган, эшитганди. Бунинг боиси, гарчи расман ажрашган бўлса-да, кўнгли қолмаган, қайта ярашиб, бирга яшайдиган умидини узмаганди. Қолаверса, ўттиз саккиз ёшида бошқа бир аёлга уйланиб, уй-жой қилиб кетишига кўзи етмасди.

Улугбек асли Андижоннинг Хўжаобод вилоятида туғилиб ўсган, йигирма тўрт ёшида Эркин ойига уйлган эди. Ун йилча яхши турмуш кечирди. Фаргона шаҳридаги кўпқаватли уйлардан бирида яшаб юришди. Бироқ Улугбек бирон жойда ёлчишиб ишламади. Дуч келган ишга қўл уриб, топган пулини "улфатчиликка" сарфлади. Эркин ойи эса яқка тартибда тадбиркор бўлиб олди. Бозорда савдо-сотик билан шуғулланиб, рўзгор тебратди. Гоҳи-гоҳи "улфат-

Улугбек яна кўлига эрк берди. — Бўлди, бас, яшайман сиз билан. Ажрашаман!

Шу тарика келишмовчиликлар кучайиб, 2006 йили улар расман ажралишди. Маҳалла фуқаролар йигини фаоллари бир неча бор уларни яраштириб қўйишга уриниб кўришди. Бироқ барибир турмушлари изга тушмади. Улугбек Россия Федерациясининг шаҳарларидан бирига кетди. Оралдан икки йил ўтиб, 2008 йили Фарғонага қайтиб келди.

— Сени деб келдим. Бўлар иш бўлди, яна бирга яшайверамиз!

Оғзидан ароқ иси анқитган Улугбекни Эркин ойи уйига киритмади. Остонада гапашди.

— Ичсини ташласангиз, ярашаман!

— Нима, ичмайдиган уйнаш ортирдиринми?

— Боринг-э! — Эркин ойи зогина эшикни ёпди. Кўнгирак чалди, тарақлатди, очмади.

— Улдирман! — дея Улугбек польездни бошига кўтарди.
У кунора келиб Эркин ойига гоҳ яхши гапириб, гоҳ дағдага қилиб, бири яшашни талаб қилар, бироқ собиқ хотини уни уйига киритмасди.

сизхаттўйларга ичсини ташлаб, одам қоторига қўлишга, ярашман, дея бирдай жавоб қайтарарди.

Улугбекнинг назарида хотини ким биландир "топишиб олган", шунинг учун ўзини уйига киритмаётгандай туюла бошлади. Айниқса, улфатчилик пайти шишадошлардан биронтаси енгилтабиат аёл тўғрисида сўз очса, худди ўзининг собиқ хотинини тасвирлаётгандай рашқ ўтида қовурилиб, баттар жазганак бўлаверди. Орқаваротдан гўё собиқ хотинининг жазмани борлигини эшитгач, баттар тутоқди. Рост гапми, бўҳтонми, суриштиришни ўзига эп кўрмади. Шу йил июль ойининг ўрталарида эрталаб соат саккизда у Эркин ойининг уйига борди. Бу гал мас эмас эди. Шунинг учунми, собиқ хотини уни уйига киритди.

— Мен билан нимага яшамаяпти десам, жазманинг бор экан-да, — дағдага қилди у.

— Бўҳтон, гийбатларга ишониб юрибсизми?

— Бўпти, бўлмаса мен билан турасан!

— Ичсини ташланг...

— Тагин ўша нағма-ми? Менга хўжайин эмассан.

Жавлон ва Акбар Оқдарё туманининг Боддақ қишлоғида истиқомат қилишди. Бирор бир қасбининг бошини тутмаган йигитлар ўзларича пул топишининг режасини қилишди. Ҳалол меҳнат қилиб пул топишга бўйни ёр бермаган йигитлар ўғрилик касби жуда маъқул бўлди. Тузилган режага кўра, яна бир йигит керак эди. Улар ўзларининг ҳамқишлоғи коллеж талабаси Бобур Аллоновни сафларига қўшиб олдилар.

Учала йигит тушлик пайти ҳамқишлоғи Уктам аканингни уйи атрофида бироз айланишди. Уйда ҳеч ким йўқлигини билдишгач, орқа деразадан уй ичига кирдилар. Йигитлардан бири ташқарида қоровул бўлиб қолди. Ичкаридагилар тезда уйдан бир дипломат қўлиб чиқишди. Холироқ жойга бориб, уни очишганда, оғизлари ланг очилиб қолди. Дипломат ичиде 3 донга 2.500.000 сўмлик аёллар тилла занжир, 4 донга аёллар узуги, 3 донга тилла сирга, 12 донга тилла тиш ҳамда 4.500.000 сўм пуллар бор эди.

Бундай ўлжани кўлга киритганларидан оғзи қулоғига етган йигитлар тезда пул ва буюмларни бўлишиб олишди. Дипломатни эса ариқ ичига отиб юбордилар.

Албатта, бу ўғрилик қишлоқда анча маҳал шов-шувларга сабаб бўлди. Аммо, ўғрилари биров кўрдим демади. Шу боис йигитлар жиноий жазадан қути-

қолди. Ичкарига кирганлари эса эркалар пойафзали, эркалар шими, уяли телефон хуллас, 748.800 сўмлик мол-мулкларни ўмариб чиқишди.

Уларнинг бу галги жиноятлари ҳам очилмасдан қолди. Бундан рўхданган йигитлар кўп ўтмасдан яна янги "иш"га қўл урди. "Пайнет"дан қўл телефонига пул ташлаш учун савдо дўконига кир-

ворини тешиб, ичкарига киришди. Дўконда ҳар хил русумдаги уяли телефон аппаратлари, умумий тўлов карталари, уяли телефон аппаратининг зарияд курилмаси ва жиҳозлари бор эди. "Тажрибаси" ошиб қолган йигитлар дўкондан 1.112.000 сўмлик мол-мулкларни олиб чиқиб кетди. Аммо уларнинг бу галги "ов"и исзиз қолмади, ўғри йи-

Дилшод АХМЕДОВ,
Фаргона шаҳар прокураторининг катта терговчиси

ЎҒРИГИНА ЙИГИТЛАР

либ қолишди. Гап-сўзлар анча босилгач, улар яна янги режа тузишди. Бу галги "ов" А.Тўраевнинг савдо дўконига қара-тилган эди.

Ҳамма уйкуга кетгач, учала йигит мўлжалга олинган дўконга келишди. Атрофда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, дўкон девори гиштларини кўпориб, лўдон сизагидан қилиб тешидилар. Улардан бири ташқарида қоровул бўлиб

либ қолишди. Гап-сўзлар анча босилгач, улар яна янги режа тузишди. Бу галги "ов" А.Тўраевнинг савдо дўконига қара-тилган эди.

Ҳамма уйкуга кетгач, учала йигит мўлжалга олинган дўконга келишди. Атрофда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, дўкон девори гиштларини кўпориб, лўдон сизагидан қилиб тешидилар. Улардан бири ташқарида қоровул бўлиб

ган Акбарнинг диққатини у ерда сотувга қўйилган бир-бирдан чиройли "Nokia" телефонлари тортиди. У шерикларига: "Дўконда зўр телефонлар бор экан-да, пайтини топиб, бир кун келамиз", деди. Бу тақлиф шерикларига ҳам маъқул тушди. Тунги соат 23.30 лар атрофида улар М.Бердиқуловнинг савдо дўконига келишди. Ўзлари билан олиб келишган лом ёрдамида дўкон де-

гитларнинг изига тушилди. Қисқа муддат ичиде улар қўлга олинди, жиноий жавобгарликка тортиди.

Суд Жавлон Исмомов ва Акбар Аллаёвларга олти йилдан озоқликдан марҳум қилмиш жазоси тайинланди. Вояга етмаган Бобур Аллоновга 2 йил синов муддати белгиланди.

Шавкат БОЗОРОВ,
Қўшработ туман прокурори ёрдамчиси

Аёл деганда муқаддас ва муқаррам зот кўз олдимизга келади. Аёлга берилган гўзал таърифларнинг алоғи йўқ. Бизнинг наъзимизда унга салбий ташбеҳларнинг нисбат берилиши ноўриндек. Аммо баъзан ҳаётда шундай аёллар ҳам учрайдики, уларнинг қилмишини қонун нуқтаи назаридан кечириб бўлмайди.

Уч нафар фарзанднинг онаси бўлмиш Роҳила Салимова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ана шундай муқаддас номга ноёликлардан чиқиб қолди. У эри қамалганидан тегишли хулоса чиқармай, ўзи қандай қилиб бўлмасин пул топиш пайига тушди. Турри, қора қозон қайнаб тур-маса, кун кўриш қийин. Бироқ ҳалол меҳнат билан умргузаронлик қилишга нима етсин! Аммо Роҳила бошқача йўлни танлади. У

синглиси Арофатнинг уйига вақтинча яшаб туриш учун кўчиб ўтди ва шу билан уни ҳам ўзига шерик қилиб олди. Унинг тутган йўли хатарли эди. Қолаверса, наркотик моддалар савдоси билан шуғулланиш жиноят ҳисоблана-

да эса ҳеч қачон хотиржамлик ва осойишталик бўлмайди.

Шундай кунларнинг бирида қариндошлари Моҳира, Муҳаббат ва Моҳиғуллар билан ораланибда узоқ йиллар аввал бўлиб ўтган адоват Роҳиланингни ёдига

хурсанд бўлган опа-сингиллар рўмолчага ўралган гиёҳвандлик моддасини унинг кўлига тутқазишди-да, Нодир исми шахсининг автомашинасида Моҳиранингни уйига олиб боришни ва ярмини у ерга яшириб, қолгани-

тиббийет шприци ҳамда уват ичидан целлофан пакетда 39,96 грамм героин гиёҳвандлик моддаси топилиб, ашёвий далил тариқасида олинди.

Судда судланувчилар ўзларига қўйилган айбга тўлиқ иқроор бўлишди. Опа бу қинғир ишга синглисини ҳам шерик қилганлигини тан олди.

ҚАЛТИС ҚАДАМ

ди. Улар бир гуруҳ номалъум шахслар билан келишиб, Тожикистон Республикасидаги Ўзбекистон ҳудудига героин гиёҳвандлик водитасини контрабанда йўли билан олиб ўтишди. Энг ачинарлиси, бу орала Роҳиланингни ўзи ҳам захри қотилдан истемъол қилишга ўрганди. Гиёҳвандлик деган офат бош суққан хонадон-

тушди. У пайти келиб, улардан қандай бўлмасин қасд олишни ният қилган эди. Синглиси билан маслаҳатлашиб, таниши Нодирани уйига чақирди. Бор гапни айтиб, қасос олишда ундан ёрдам сўрашди. Эвазига "рози" қилишларини ҳам уқтиришди. Аввалига эътироз билдирган Нодира охири рози бўлди. Бундан

Аммо...

ИИБ ходимлари томонидан уларнинг уйи тинтув қилинганда тахланган гиштлар орасидан

Уйланмай ташланган биргина қадан ана шундай ноҳуш яқун топди.

Маҳмадхон УМАРОВ,
Фаргона вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси
Адолат МУСТАФОЕВА,
«Нуқид» мухбири

Бирмунча вақт аввал оддий кишиларнинг суҳбати ҳам хотирларнинг суҳбати ҳам бўлибди, истоннинг суҳбати ҳам бўлибди, истоннинг суҳбати ҳам бўлибди, истоннинг суҳбати ҳам бўлибди. Шунинг учун келтирилади. Шу кунларда эса бу ҳол кам қазилмақда. Жаҳонда иккироқ ҳақон давом этаётганини ҳозир фақат матбуот — радио, телевидение, даврий нашрлар эслатиб турибди, ҳоло. Узро суҳбатларда эса бу мавзуга деярли нуқта қўйилди.

экансиз, хавотирларим ноурин экан. Инқироз-пиқироз деган нарсани мендан узоқда. Ишларим аввалгидан ҳам яхши. Ерларим кенгайди, ҳосилимнинг чўғи ҳар қанчондан баланд. Маҳсулот қайта ишлайдиган мини-завад қиламан, шунга техника олиш масаласида Ташкентга — кўрғазмага келганим. Йўлингиз тушса, боринг, ҳаммасини ўз кўзингиз билан кўрасиз.

Очиги, унинг ҳушқайфияти шу кунни менга ҳам ўтди. Рост-да, бугун дунёдаги ишбилармонлар, ишлаб чиқарувчилар, молиячилар, иқтисодчилар бошларини қайси деворга уришни билмай турганларда, бизда барча соҳаларда давом этаётган ўсиш суратлари кимни

Унинг гапини яна бир акахошимиз "тўлдирди":
— Нимасини айтсан, ука. Тунов кунини мошини бозордан кенжамага битта "Мерс" оверман, деб тушганид. Нарх баланд, "Мерс" қақда, пулим базур ўзимизнинг "Нексия"га етди. Дўкондан шартга қора ранглисини олиб бера қолдим...

Хуллас, базм охиригача шу ва шунга ўхшаш мавзулардаги "баҳслар"га қўлоқ солиб ўтиришимга тўғри келди. Даврада фақат мен ва икки ёки уч нафар киши гапирмадик. Хайрлашгани кўчага чиқганимизда, ҳақини ҳақидан ногилан кишиларнинг ақсарияти бирин-кетин "Мерс", "Нексия", "Шевролет" ва бошқа номлари жарандор автоулов-

олдини олиш мақсадига қўшимча равишда зарур миқдорда заҳира яратилиб, муайян тартиб асосида ички бозорга чиқарилаётгани бозорларимизда маҳсулотлар баҳосининг пайсалишига ижобий таъсир кўрсатди. Натижада ўтган йилда ўртача иш ҳақи бюджет ташкилотларида 1,5 баробардан зиёд, бугун иқтисодиёт бўйича эса 1,4 баробар ошди. Ўтган йили ўртача иш ҳақи миқдори 300 АҚШ долларидан ортқ бўлди. Аҳолининг реал даромадлари эса йил давомида жон бошига 23 фоиз кўпайди.

Ҳар қандай шароит бўлмасин, ишнинг кўлини билган инсон иқтисодига, соҳаюқияга қараб фаровон дунга кечиравелади. Аксинча, минг

лар, электрон тўловлар тизими ривожланган. Одамлар бор сармоёларини банкларга ишондилар ва ўша ерда сақлайдилар. Мушабид тузум — собиқ Иттифоқдан мерос қолган банкларга ишонсизлик билан муносабатда бўлиш, унга дўст эмас, душмандек қараш касаллиги, афсуски, ҳақон бизни тарқ этган эмас. Бўш пул маблағларимизга керак-но керак қиммат буюмлар олиб қўйиш, ёхуд пулни даромад келтирадиган ноқонуний ишларга сарфлаш истасангиз бизда кучли.

Соҳага кўрсатилаётган эътибор ва гамхўрлик туфайли аҳолининг банкларга бўлган ишончини энди-энди мустаҳкамлаб бормоқда. Яқинда матбуотда эълон қилинган

ҚОЗОНДА БЎЛСА, ЧЎМЧИЧГА ЧИҚАДИ

Авваламбор, ҳамюртларимиз бу кўрғулкининг Ўзбекистонга умуман даҳини йўқ эканига тобора ишониб, ҳис қилиб, англаб бормоқдалар. Инқироз ўз ҳукмини ўтказиётган яқин ва узоқ хорик давлатларидаги вазиятни санинг топтириш уларнинг ички иш эканини тушуномқдалар. Ўтган йилнинг иккинчи ярмида жаҳоннинг ақсарият мамлакатларида бошланган инқироз кутилганидек биз учун тақдирли эмаслиги борган сари ойдинлашиб бормоқда. Одамларимиз, заҳматқаш халқимиз шунинг учун ҳам хотиржам, ўз йўлларидан оғинамай меҳнат қилиш билан бандлар, яратувчанлик билан шуғулланишда давом этмоқдалар. Инқироз ҳақда оммавий ахборот воситаларида гапирилаётгани, ёзилган эса, матбуот жаҳондаги вазиятдан юрtdошларимизни оғоҳ қилиш вазифасини адо этаётганидир.

Хизмат сафари билан вилоятлардан бирига борганимизда маҳаллий фермерлар билан ҳамсуҳбат бўлиб қолдик. Бу таҳминан шу йилнинг январь-февраль ойларида эди. Ўша пайтда, юқорида таъкидлаганимиздек, жаҳон молиявий иқтисодий инқирози мавзуси анча долзарб бўлиб, фермерлар билан гурунгимизда ҳам шу ҳақда гап очилиб қолди.

— Бу ёғна бизнинг ишларимиз нима бўларкин-а, муҳбир ука? Инқироздан қандай бутун чиқсақ бўлади? Энди ишларимиз юришиб, касамиз оқаришни бошлаётган эди-я, аттанг, — деб қолди фермерлардан бири.

— Инқирознинг таъсири мамлакатимиздан бурун сизга таъсир этишини бошладими? — дедим ҳазил аралаш.

— Йўқ, ҳозирча таъсири бўлгани йўқ, аммо бу кетишда бироз вақт ўтқани, ишларимиз орқага кетиши мумкин-да. Дунё агар-тўнгар бўлиб ёттибди-ю, — дея ўзининг ваҳима-лай таҳминларига ўзини ишонтирмақчи бўларди суҳбатдошим.

Унинг фикрларига бир-икки ҳамкасблари қўшилишдан бўлишни.

— Ака, сиз ҳеч ҳам хавотир олманг, қандай ишлаётган бўлсангиз, бемалол келган жойидан давом этириверинг, янги режаларни қўзланг, қаричини каттароқ олаверинг, — деб мен ҳам Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастури, бу бордада мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсат ҳақда билганларимни гапирдим.

Менинг фикрларимга бошқа фермерлар ҳам қўшилишди. Ўшандан бери мана, 7-8 ой вақт ўтди. Яқинда ўша кўнглига гап бўлиб юрган фермер акашимиз Ташкентга келган пайти тасодифан учрашиб қолдим. Ҳол-аҳвол сўрадим. Хурсанд, кайфияти зўр.

— Муҳбир ука, тўғри айтган

